БУГУНГИ СОНДА:


Қонунларга ӯзгартишу қӯшимчалар киритиш тавсиясига изоҳлар 3

Сайёрамизнинг энг кекса кишиси 113 ёшда ҳаётдан кӯз юмди 6

Ӯзбекистонлик боксчилар - «Халқ овози» газетаси меҳмони 8










# ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри

№ 33 (20037)
2017 йил 17 август.

Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган


# МИЛЛАТ ПЕШВОСИНИНГ БОХТАР НОҲИЯСИГА ИШ САФАРИ





**16 август куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон бунёдкорлик ишлари билан танишиш, бир қатор ҳаётан муҳим иншоотларни фойдаланишга топшириш ва қишлоқ хӯжалиги соҳаси билан танишиш мақсадида Хатлон вилоятининг Бохтар ноҳиясига ташриф буюрди.**

**Раҳбарият, фаоллар, маориф ва маданият арбоблари, ёшлар намояндалари Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмонни ноҳиянинг Заргар қишлоғида ӯзига хос самимият билан кутиб олишди.**

**Давлат бошлиғи ӯтган йилнинг август ойида ҳам Бохтар ноҳиясига иш ташрифи доирасида бир қатор турли соҳа иншоотларини очиб, деҳқонлар фаолияти билан танишганди ва вилоят фаоллари билан самимий суҳбат ӯтказганди.**

**Бохтар ноҳиясида Миллат пешвоси дастлаб "Сомон" тижорат кооперативи меҳнаткашларининг фаолияти билан танишди.**

2

## ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИ

**Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлиси бешинчи чақириқ навбатдан ташқари иккинчи сессиясини чақириш тӯғрисида**

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасига мувофиқ ***фармон бераман:***

2017 йилнинг 23 август куни Душанбе шаҳрида Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлиси бешинчи чақириқ иккинчи навбатдан ташқари сессияси чақирилсин.

Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлиси бешинчи чақириқ навбатдан ташқари иккинчи сессиясига кӯриб чиқиш учун Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урфодатларни тартибга солиш тӯғрисида», «Олий ва олий таълим муассасасидан кейин касбий таълим тӯғрисида», «Ӯрта касбий таълим тӯғрисида», «Бошланғич касбий таълим тӯғрисида», «Маориф тӯғрисида»ги қонунлари, Жиноят кодекси, Тожикистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тӯғрисидаги кодексига ӯзгартиш ва қӯшимчалар киритиш тӯғрисидаги қонун лойиҳаси, шунингдек, Тожикистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазирлиги ҳамда Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ӯртасида «Тожикистон Республикаси парламенти ва Ҳукумат мажмуаси янги бинолари» қурилиши бӯйича техник-иқтисодий асослаш лойиҳаларни амалга татбиқ этиш борасида ӯзаро тушуниш ва ҳамкорлик меморандуми тавсия этилсин.

***Тожикистон Республикаси***
***Президенти*** ***Эмомали РАҲМОН,***
***2017 йил 11 август, Душанбе шаҳри.***
***№915.***

## Янги терминал очилди

Душанбе шаҳрида янги йӯловчи терминали фойдаланишга топширилди. Шаҳар раиси аппарати ахборот ва халқаро алоқалар бошқармасидан маълум қилишларича, иншоот қурилиши 2015 йилнинг ӯрталарида "Озод интернешнл" МЧЖ томонидан бошланган.

Терминалнинг бош биноси уч қаватдан иборат. Биринчи қаватда ошхона, тиббий нуқта, оналар ва болалар хонаси, иш кабинетлари жойлашган.

Мазкур иншоот шароитлари билан танишув чоғида транспорт воситалари ҳайдовчиларига йӯловчиларга сифатли хизмат кӯрсатишни ташкил этиш борасида тавсиялар берилди.

Жадвал бӯйича ушбу терминал хизматларидан Ваҳдат, Роғун шаҳарлари Файзобод, Обигарм ва Рашт водийси ноҳияларига борувчи йӯловчилар фойдаланишлари мумкин.

Бундан кейин терминалдан шаҳарнинг 7та йӯналиши - 2, 7-рақамли автобуслар, 2, 5, 5а, 18 ва 43-рақамли микроавтобуслар ҳам ҳаракатланади.



## Вазирликлар ҳамкорликлари кучайтирилади

Ички ишлар вазирининг биринчи ӯринбосари Абдураҳмон Аламшозода раҳбарлигидаги Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги намояндалари ҳайъати Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ӯзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Координацион гуруҳининг биринчи мажлисида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрига сафар қилди.



Мазкур мажлис доирасида Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ӯринбосари Абдураҳмон Аламшозода Ӯзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Абдусалом Азизов билан учрашди.

Учрашув чоғида Тожикистону Ӯзбекистон ички ишлар органларининг икки томонлама ҳамкорликлари, жинояту жиноятчилик, хусусан, терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ноқонуний савдосига қарши кураш, хавфсизликни таъминлаш борасида сӯз юритилди.

Шунингдек, тажриба, ахборот алмашиш ва икки томонлама ҳамкорликларни кучайтириш йӯлида бир қатор фойдали таклифлар илгари сурилди.

## Қӯрғонтепада қурилиш материаллари кӯргазмаси

Хатлон вилояти маъмурий маркази - Қӯрғонтепа шаҳрида меъморчилигу шаҳар қурилиши соҳалари ютуқлари ва импорт ӯрнини босувчи қурилиш материаллари кӯргазмаси бошланди.

Мазкур кӯргазма Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Меъморчилик ва қурилиш комитетининг ташаббуси билан Тожикистон Республикаси давлат мустақиллиги ва Қурувчилар куни муносабати билан ташкил қилинган.



Қурилиш материаллари кӯргазмасини ташкил қилишдан мақсад: қурилиш ва меъморчилик соҳаларини бундан кейин ҳам ривожлантириш, маҳаллий қурилиш материаллари билан таништириш, тажриба алмашиш ва республикада бунёдкорлик маҳсулотлари сифатини яхшилашдан иборат.

Икки кун давом этган кӯргазмада 16та лойиҳачилик ташкилоти, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи 30га яқин корхона ва 12та ғишт ишлаб чиқарувчи заводлар иштирок этиб, ӯз маҳсулотларини кӯргазмага қӯйди.




## Замонавий тиббиёт ускуналари

Кӯлоб шаҳрининг марказий касалхонасига замонавий тиббий ускуналар ва соҳа жиҳозлари келтирилди.



Беморларга тиббий хизмат кӯрсатишни юқори сифатли ва замонавий талабот даражасида йӯлга қӯйиш мақсадида бир мунча муддат аввал Кӯлоб шаҳри касалхонаси таъмирланиб, қайта тикланди.

Шундан кейин, бу саломатлик маркази республика Ҳукумати ҳамда Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг молиялаштиришида замонавий ултрасадо, электрокардиограмма, соғломлаштириш, сунъий нафас бериш дастгоҳлари, юрак ишини мушоҳада қилиш учун монитор, сайёр рентген, 40та каравот ва дори-дармон воситалари билан таъминланди.

## Аштда миллий либослар тарғиботи

Ёшлар йили муносабати билан Ашт ноҳиясида "Тожикмиз, тожикча либос киямиз!" мавзусида симпозиум ӯтказилди. Бу ҳақда Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Хотин-қизлар ва оила комитетидан хабар беришди.

Манбанинг хабарича, бу сипозиум миллий либосларни тарғибу ташвиқ қилиш ва тожиклар кийиниш маданиятига қайтиш мақсадида ӯтказиляпти.

Шунингдек, симпозиумда қизлар атлас ва адраснинг турли хилидан тикилган либосларини намойиш қилишди. Бу ташаббус Ашт ноҳиясида бундан кейин ҳам давом эттирилади.



## Қадимий боғча қайта қурилади

Тожикистон Республикаси Президенти Ижроия аппарати Ҳукумат иншоотлари қурилиши бӯйича дирекцияси молиялаштиришида Хоруғ шаҳрининг биринчи рақамли болалар боғчаси қайта қурилади.

Болалар боғчаси биноси уч қаватдан иборат бӯлиб, унинг биринчи қаватидан ошхона, таълим хоналари, иккинчи қаватидан спорт-маданий ӯйинлар учун заллар, тарбиячилар учун кабинетлар жой олади.



Хоруғ шаҳри маориф ва илм бӯлими мудири Абдулвоҳид Амонбеков эски бино олтмишинчи йилларнинг бошида 80 нафардан зиёд бола учун мӯлжаллангани ва кабинетлар ҳам катта майдонга эга бӯлмаганини айтди. Шаҳар аҳолиси сонининг ошиши билан ушбу болалар боғчасида тарбияланувчилар сони ҳам кӯпайиб, айни пайтда 9та гуруҳда 200 нафардан зиёд бола таълим ва тарбия билан қамраб олинган.

## Сайёҳликни ривожлантириш йӯналишлари

Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Сайёҳликни ривожлантириш комитети ташаббуси билан сайёҳлик компаниялари раҳбарлари ва журналистлар янги сайёҳлик йӯналишлари билан танишиш мақсадида Хатлон минтақаси сайёҳлик мавзелари, жумладан, Ховалинг ва Балжувон ноҳияларида бӯлишди.



Мазкур гуруҳ ишлаб чиқилган йӯналишга биноан, Ҳазрати Султон Увайси Қараний, Шоҳ Неъматулло Валий оромгоҳлари, Сари Хосор шаршараси, Лангари Шоҳ мозори, Булғурий дараси ва Балжувон ноҳиясининг марказий музейини бориб кӯришди.

Таъкидлаш жоизки, саёҳатдан мақсад: соҳа компанияларини бирлаштириш, сайёҳларни имкон қадар кӯпроқ жалб этиш йӯлида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишдан иборат эди.

*ОАВ асосида Г. Аюпова тайёрлади.*

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИНИНГ БОХТАР НОҲИЯСИГА ИШ САФАРИ

◄ 1

Заргар қишлоғидаги "Сомон" тижорат кооперативи 51,2 гектар майдонни эгаллаб, бу ерлик меҳнаткашлар боғдорчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишади.

Миллат пешвосига хўжалик умумий майдонидан 4,7 гектарини боғлар, 2 гектарини лимон, 30 гектарини пахта ва 15 гектарини беда ташкил қилишини айтишди.

Лимон етиштириш бой тажриба асосида 10та иссиқхонада йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида сиғимига кўра, 110дан 200 тупгача лимон парваришланяпти.

Давлат бошлиғига жорий йилда Бохтар ноҳиясининг лимон етиштириладиган иссиқхоналари майдони 60 гектарга етказилгани, шундан 20 гектари ҳосилга кирганини маълум қилишди.

"Сомон" тижорат кооперативи меҳнаткашлари жорий йилда 30 гектар майдонга "Хатлон-2014" пахта навини экишган бўлиб, гектаридан 45 центнергача ҳосил олишга умид қилишмоқда.

Умуман, жорий йилда Бохтар ноҳиясида 11 минг 481 гектар майдонга пахта экилган.

"Сомон" тижорат кооперативи қошида "Акбари Тожиддин", "Ҳалими Қаландар" ва "Хусрав 96" каби кичик хўжаликлар фаолият юритади.

Жорий йилда Бохтар ноҳиясида 17 минг 594 гектар майдонга турли экинлар экилган бўлиб, бу 2016 йилга нисбатан 8 гектарга зиёддир.

## Замонавий музхона биноси

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Хатлон вилояти Бохтар ноҳиясининг Заргар қишлоқ жамоатида замонавий музхона биносининг фойдаланишга топширилиши маросимида қатнашди.**

Музхона биноси Тожикистон олий сиёсий раҳбариятининг топшириқлари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун қурилган бўлиб, сиғимдорлик ҳажми 2 минг тоннани ташкил қилади.

Мазкур иншоот маҳаллий тадбиркор Назарбек Шарифов томонидан хорижий сармоялар воситасида аҳолини кузги-қишки мавсумда сархил мева ва сабзавотлар билан таъминлаш мақсадида қурилган.

Давлат бошлиғи тадбиркорнинг бу ташаббусини намунали, дея атаб, масъул шахсларни Бохтар ноҳияси ва Хатлон вилоятининг бошқа шаҳру ноҳияларида бундай музхона бинолари сонини оширишга вазифадор қилди.

Сўнгра мамлакат Президенти Заргар қишлоқ жамоатида республиканинг ушбу йирик ноҳияси деҳқонлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмасида иштирок этди. Ноҳия деҳқонлари ғалла, сабзавотлар, полиз экинлари, мева ва асал намуналарини кўргазмага чиқаришди. Кўргазмага чиқарилган маҳсулотлар ушбу ноҳия хўжаликдорлари ва деҳқонлари давлат ва Ҳукумат раҳбариятининг кўрсатма-ю топшириқларига амал қилган ҳолда, юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганликларидан гувоҳлик берарди.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси билан танишув чоғида Бохтар ноҳиясини республика даражасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи фаол минтақалардан бири сифатида зикр этиб, табиий бойликлар, жумладан, сув ва ердан мақсадли фойдаланишда етакчи бўлган тажрибали деҳқонлар ва ноҳия аҳолисининг самарали фаолиятини намунали, дея эътироф этди.

Кўргазманинг бир бурчагини ноҳия саноатчилари ютуқлари эгаллаганди.

Умуман, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида Бохтар ноҳиясида 53 миллион 863 минг сомонийлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпдир. Шу тарзда, "Бохтар-Инвест-Коттон", "Коттон-Ансор", "Ресандаи Хатлон", "Мўъмин-Коттон" МЧЖлари, "Мину-Фарм" ЁҲЖ ва бошқа компаниялар маҳсулотлари кўргазмага чиқарилди.

## Таълим муассасаси фойдаланишга топширилди

**Бохтар ноҳиясига иш сафари доирасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ноҳиянинг Заргар қишлоқ жамоати Комсомол қишлоғида икки сменада 1320 нафар ўқувчи ўрнига эга бўлган 14-ўрта умумтаълим муассасасининг фойдаланишга топширилиш маросимида қатнашди.**

Ушбу мактаб ўқувчилари Тожикистон олий сиёсий раҳбариятининг маориф соҳасига доимий ғамхўрликларига миннатдорчилик белгиси сифатида Миллат пешвосини таълим муассасасида чексиз самимият билан кутиб олишди.

660 нафар ўқувчи ўрнига эга мазкур муассаса 27 синфхона, жумладан, 7та фан кабинети, болани ривожлантириш кабинети, директор ва ўқитувчилар кабинетлари, қўшимча дарслар ўтиш учун алоҳида синфхоналарни ҳисобга олган ҳолда, қурилгани маълум қилинди. Шунингдек, 183 ўринга эга бўлган спорт зали, теннис корти, 204 ўринли мажлислар зали, 60 кишилик ошхона, 32 ўринли кутубхона ва мазкур муассасанинг бошқа ёрдамчи бинолари ҳам юқори сифатда қурилган.

Танишув чоғида Давлат бошлиғи ўқувчилар ва педагоглар билан илиқ ва самимий суҳбат ўтказиб, ўқувчиларни замонавий билимларни кенг ўрганиш ва яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга даъват этди.

Мазкур лойиҳа буюртмачиси "Мактаблар қурилиши ва жиҳозланиши" лойиҳаларини амалга татбиқ этиш маркази давлат муассасаси эканлиги, лойиҳавий, қурилиш-монтажлаш ишлари, муассасани мебел ва мактаб ускуналари билан таъминлаш "Панасия ЛТД", "Сари Хосор", "Нузам" ва "Арт Медиа" МЧЖлари томонидан ижро этилгани маълум қилинди. Лойиҳа Саудия Тараққиёт Фонди ҳисобидан молиялаштирилган.

Бу минтақа аҳолисининг маълум қилишича, 14-мактабнинг эски биноси ўтган асрнинг 50-60-йилларида қурилиб, авария ҳолатида бўлган. Мазкур муассасада ўқувчилар сони йилдан-йилга ошган ва 2 минг кишига етган. Бу эса жой етишмаслиги муаммосини келтириб чиқарган. Юзага чиққан вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мактаб биноси лойиҳаси "Мактаблар қурилиши ва жиҳозланиши" лойиҳаларини амалга татбиқ этиш маркази давлат муассасаси томонидан ишлаб чиқилиб, қурилиш-монтажлаш ишлари 2016 йили бошланган.

Янги бино тўрт қисмдан иборат ва 2,33 гектар майдонни эгаллайди.

Асосий фондлар, жумладан, қурилиш, мебел ва ускуналар билан жиҳозлаш ҳисобга олинса, қурилиш-монтажлаш ишларининг умумий маблағи қарийб 16 миллион сомонийни ташкил қилади.

Қозонхона замонавий технологиялар асосида қурилган бўлиб, қиш мавсумида бинонинг барча кабинетларини кўмир орқали иссиқ сақлайди.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон қурилиш ишлари билан танишув, 14-ўрта умумтаълим муассасаси ўқувчилари ва педагоглари билан фойдали суҳбатдан кейин Бохтар ноҳияси маориф соҳаси кўп сонли намояндалари ва фаоллари олдида нутқ сўзлади.

***"Ховар" ТМАА.***

*Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президентининг Хатлон вилояти ноҳияларига иш сафари давом этмоқда.*

*Мамлакат Президентининг Бохтар ноҳиясига иш сафари охирига етганидан кейин, Вахш ноҳиясига ташриф буюрди. Тожикистон Республикаси Президентининг ушбу ноҳияга иш сафари тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонида танишасиз.*

***«Халқ овози».***

# БОХТАР - ТУПРОҒИДА ЗАР УНГАН ДИЁР

## Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Бохтар ноҳияси раҳбарияти, фаоллари ва аҳолиси билан мулоқотда сўзлаган нутқи

*16 август 2017 йил, Бохтар ноҳияси.*

**Азиз юртдошлар!**

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Энг аввало, сиз - Бохтар ноҳиясининг ватанпарвару мустаҳкам иродали ва меҳмоннавоз халқи намояндаларига бунёдкорона фаолиятингиз ва самимий истиқболингиз учун миннатдорчилик билдираман.

Кузатилганидек, мамлакат Ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши ва Бохтар ноҳиясининг заҳматкаш халқининг саъй-ҳаракатлари натижасида ноҳиянинг бир маромда иқтисодий-ижтимоий тараққиёти таъминланиб, аҳолининг турмуш шароити йилдан-йилга яхшиланяпти.

Ишлаб чиқариш цеху корхоналари, ички йўллар, электр энергияси линиялари, таълиму ижтимоий муассасалар, жумладан, Энергетика институти, лаёқатли болалар учун Президент лицейи, маориф соҳаси бошқа замонавий иншоотлари ва хизмат кўрсатиш марказларининг қурилиши-ю қайта тикланиши ноҳия сиймосини аввалги йилларга нисбатан анча ободу кўркамлаштирган.

Хатлон вилоятининг энг катта қишлоқ хўжалиги ва саноат ноҳияларидан бири саналган Бохтарнинг миллий иқтисодиёт ривожланиши ва озиқ-овқат хавфсизлигини ҳимоялашдаги ҳиссаси анча арзирлидир.

Ўтган йили ноҳия деҳқонлари хўжаликдорликнинг барча шаклларида 880 миллион сомонийлик маҳсулот ишлаб чиқаришган бўлиб, бу рақам 2015 йилга нисбатан 24 йиллион сомонийга кўпдир. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиши 11 фоизни ташкил қилган.

Ноҳия қишлоқ хўжаликлари таъминоти, жумладан, зарур техникалар билан таъминлаш масаласи мамлакат Ҳукуматининг доимий диққатида турибди. Шунинг учун, "Тожикагролизинг" давлат унитар корхонаси воситасида ноҳия деҳқон хўжаликларига 76та қишлоқ хўжалиги техникаси ва машина ускуналари етказиб берилди.

Аммо шунга қарамасдан, жорий йилда баъзи экинлар, жумладан, пахта ва картошка майдонлари анча камайган.

Бундай ҳолат аҳоли сонининг ошиши ва соҳадаги мавжуд имкониятлар назарга олинса, қабул қилиб бўлмасдир. Жорий йилнинг 6 ойида картошка етиштириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саккиз ярим минг тонна ёки 47 фоизга камайган.

Сабзавотларнинг бошқа турини ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ҳам унчалик назарга ташланмаслигини эслатиб ўтаман.

Шу билан бирга, Бохтар ноҳияси деҳқонлари бошқа ноҳияларга нисбатан маҳсулот савдоси учун яхши шароитга эгалиги, Бохтар ноҳияси вилоят марказига анча яқин жойлашганини унутмаслик керак.

Шу сабабли, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органларига сифатли уруғлардан фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, асосий ва такрорий экин майдонларини кўпайтириш, ердан самарали фойдаланиш ва шу йўл билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланиш топшириғи берилади.

Ноҳиянинг кўп, хусусан, боғдорчиликни ривожлантириш имкониятларидан ҳозиргача тўлиқ фойдаланилмаган.

Шу билан боғлиқ ҳолда, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа тегишли тузилмалару органлар билан биргаликда сабзавот, жумладан, картошка экиш майдонларини кенгайтириш, бир йилда уч-тўрт марта ҳосил олиш, цитрус мевалар парвариши, иссиқхоналар майдонини кенгайтириш ва музхоналарни ташкил этиш йўлида зарур тадбирлар қабул қилишсин.

Бохтар ноҳиясида чорвачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, унинг қиёсий вазни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мажмуининг 30 фоиздан зиёдини ташкил қилади.

Ўтган йили чорва маҳсулотлари, балиқ ва озиқ-овқатнинг бошқа турлари ишлаб чиқариш ҳажми ошган.

Мамлакат Ҳукумати ноҳия тараққиётини таъминлаш йўлида барча зарур тадбирларни амалга оширмоқда.

Сўнгги ўн йил мобайнида сармоялаштириш барча манбалари ҳисобидан ноҳия муҳим иншоотлари бунёди ва қайта тикланиш ишлари учун қарийб 700 миллион сомоний йўналтирилган.

Бу даврда 13 минг 800 ўринли 36та таълим муассасаси, ўнлаб соғлиқни сақлаш иншооти, бошқа ижтимоий ва хизмат кўрсатиш марказлари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Шу кунгача турли соҳалар тараққиёти ва ноҳия аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш мақсадида 150 миллион сомоний маблағга 13та давлат сармоявий лойиҳаси татбиқ этилиб, 18 миллион сомонийдан зиёд маблағга 5та бошқа лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шунга қўшимча тарзда, 2018-2020 йиллар учун давлат бюджети ҳисобидан ноҳия тараққиёти учун 376 миллион сомоний назарда тутилган бўлиб, Бохтар ноҳиясининг 2016-2020 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастури доирасида 250 миллион сомоний умумий маблағга 217та лойиҳа татбиқи режалаштирилган.

Дастур чора-тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги, саноату қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиши, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва янги иш жойлари таъсис этишга ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Лекин ўтган йили атиги 15 миллион сомоний ўзлаштирилган бўлиб, бу дастурнинг 6,2 фоиз кўрсаткичини ташкил қилади. Яъни ишнинг бу суръати билан ноҳия тараққиёт дастурини ижро этиш мушкулдир.

Шунинг учун, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари тегишли вазирликлару идоралар, маҳаллий ва хорижий тадбиркорлару сармоядорлар билан ҳамкорликларни ривожлантириб, дастурнинг сифатли ва ўз вақтида татбиқини таъминлашга вазифадордирлар.

Таъкидлаш жоизки, ноҳия тараққиёти ва ободончилиги учун ҳалигача фойдаланилмаган, хусусан, кичигу ўрта тадбиркорлик ва биринчи навбатда, ишлаб чиқариш тадбиркорлиги устувор тараққиётини таъминлаш йўлида имконияту воситалар жуда кўпдир.

Бу йўналишда тадбиркорларнинг мурожаату ташаббуслари ўз вақтида муҳокама ва ҳал этилиши, маҳаллий ва хорижий сармояларни имкон қадар кўпроқ жалб этишга доир амалий тадбирлар қабул қилиниши зарурдир.

Бохтар ноҳиясида саноат соҳаси аста-секинлик билан ривожланиб, хусусан, сўнгги йилларда замонавий технологияларга эга ўнлаб цеху корхоналар бунёд этилгани ва шу асосда юзлаб янги иш жойлари таъсис қилинганини зикр этиш ўринлидир.

Саноат корхоналари сони сўнгги ўн йилда 11дан 37тага етган бўлиб, бу кўзга кўринарли кўрсаткичдир.

Ўтган йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 163 миллион сомонийни ташкил қилган бўлиб, бу рақам 2006 йилга нисбатан 94 миллион сомоний ёки икки баравардан зиёддир.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида маҳаллий тадбиркорларни жалб этиш орқали сўнгги 11 йилда бир нечта тикувчилик цехлари фойдаланишга топширилди.

Шунга қарамасдан, Бохтар ноҳияси ишлаб чиқариш саноати имкониятларидан ҳалигача тўлиқ фойдаланилмаган.

Ноҳиянинг вилоят марказига яқинлиги кўп сонли иш кучига эга ишлаб чиқариш корхоналари учун имконият яратади ва бошқа томондан, корхоналарнинг Қўрғонтепа шаҳри истеъмолчилик бозорларига кўп харажат қилмасдан бориб келишларини таъминлайди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан хом ашё сифатида имкон қадар кўпроқ фойдаланиш ноҳия агросаноат маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини оширишга ҳам ҳисса қўша олади.

Шунинг учун транспорт қулай инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда, ноҳия корхоналари ва деҳқонлари маҳсулотларини вилоят маркази ҳамда Душанбе шаҳри бозорларига кўпроқ сотувга чиқариб, уларнинг мамлакат ташқарисига экспорт қилиниши йўлга қўйилиши зарурдир.

Аммо жорий йилнинг биринчи ярмида ноҳия корхоналари умумий сонининг 40 фоизини ташкил қилувчи 14та саноат корхонаси фаолият юритмаган ва бундай вазият ташвиш боисидир.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари Иқтисодий тараққиёт ва савдо, Саноат ва янги технологиялар, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, Сармоядорлик ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети, бошқа тегишли тузилма-ю органлар билан биргаликда янги ишлаб чиқариш цех ҳамда корхоналар сонини кўпайтириш, маҳсулот қайта ишланиши ва унинг хорижга экспорти ҳажмини ошириш, косиблигу қўл ҳунарларини ривожлантириш учун амалий чоралар қабул қилишлари зарур.

Ҳурматли иштирокчилар!

Бохтар ноҳиясида бугунги кунгача Душанбе-Қўрғонтепа-Данғара-Кўлоб автомобил йўли қайта тикланиши лойиҳаси доирасида республика аҳамиятидаги 16 километр йўл, 6 километрдан зиёд маҳаллий йўллар ва бир нечта кўприк қайта тикланиб, қурилди.

Шунга қўшимча тарзда, маҳаллий бюджет ва тадбиркорлар ҳисобидан ноҳиянинг беш ярим километр ички йўллари ва битта кўприк 3 миллион сомонийдан зиёд маблағ эвазига таъмирланиб, қайта тикланди.

Шунинг учун Бохтар ноҳиясининг ободончилик ишларига муносиб ҳисса қўшаётган орномусли тадбиркорларига миннатдорчилигимни баён этаман.

Йўллар таъмири ва қайта тикланиши йўналишида якунланган ишлар бараварида, Транспорт вазирлиги, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари ноҳия ҳудудида қолган бошқа йўлларнинг юқори сифатли таъмирланиши ва қайта тикланиши учун чора излашлари зарур.

2016 йили ноҳия таълим муассасалари инфратузилмаси шароитини янада яхшилаш мақсадида 45 миллион сомоний маблағ сарфланган бўлиб, бу 2006 йилга нисбатан 10 баравар зиёддир.

Бохтар ноҳиясида 2014-2020 йиллар учун мактабгача ва ўрта умумтаълим муассасалари тараққиёти давлат дастури асосида 6та мактабгача ва 3та хусусий ўрта умумтаълим муассасаси таъсис этилиши керак эди.

Дастур қабулидан уч йил вақт ўтган бўлишига қарамасдан, аммо бугунги кунгача бу йўналишда кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмаган.

Шу сабабли мактабгача муассасалар қурилиши ва қайта тикланиши йўлида ўз вақтида чора-тадбирлар қабул қилиниши зарур.

Шунингдек, ноҳия маориф соҳаси раҳбару масъуллари ўз фаолиятларини таълим сифатини юксалтириш, янги замон насларини вояга етказиш, фарзандлар зеҳну шуурида юксак миллий ифтихор, ўзликни англашу таниш ва ҳамида ахлоқни шакллантириш йўлида кенгайтиришлари керак.

**Қадрли иштирокчилар!**

Бугун дунёдаги вазият борган сайин мураккаблашиб бораётганидан барчангизнинг хабарингиз бор. Иқлимнинг глобал исиши ва инсониятни кўпгина мушкулликларга рўпара қилган унинг оқибатларига қўшимча тарзда, сўнгги йилларда алоҳида манфаатпараст доиралар экстремистик ва террорчи ҳаракату гуруҳларни молиялаштириб, ўзларининг хатарли режалари ижросига сафарбар этишяпти.

Натижада минтақа ва дунёнинг бир қатор мамлакатлари вазияти нотинчу инқирозли бўлиб, ҳатто истиқлолият, уларнинг ҳудудий яхлитлиги ва давлатчилик тузуми жиддий хатар остида қолаяпти.

Бундай шароитда ҳамиша ҳушёру зийрак бўлишимиз, ҳаётимизнинг муқаддас ва катта неъмати - истиқлолияту озодликка шукрона қилишимиз, миллий давлатчилигимиз асослари мустаҳкамлиги йўлида аҳиллик билан заҳмат чекишимиз зарур.

Терроризму экстремизмга доир жиноятларга қарши кураш тегишли органларнинг ҳар кунлик назорати остида турган бўлиб, мамлакат фуқаролари, хусусан, ёшларнинг террорчи ва экстремистик гуруҳлар сафига жалб этилишлари, уларнинг хорижий мамлакатлар жангларида иштирок этишларини ошкор қилиш ва олдини олиш мақсадида барча зарур чоралар амалга оширилмоқда.

Ўтган беш йилда ҳуқуқни ҳимоялаш органлари томонидан Бохтар ноҳиясида террористик ва экстремистик хусусиятга эга 48та жиноят ошкор этилиб, гуноҳкор шахсларга нисбатан жиноий иш очилди.

Маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда ноҳиянинг 95 нафар аҳолиси (шундан 35 нафарини ёшлар ташкил қилади) жанг амалиётларида иштирок этиш мақсадида хорижий давлатларга боришиб, террорчи гуруҳлар сафига қўшилишган.

Шу кунгача ноҳиянинг 17 нафар ёшлари уруш кетаётган давлатлар ҳудудида ҳалок бўлишган.

Бу йўналишда Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик давлат комитети, Ёшлар ва спорт комитети, Хотин-қизлар ва оила комитети, давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органи, шаҳарча-ю қишлоқлар раҳбарлари, ота-оналар, маориф ва зиёлилар аҳли, фаоллар тожик миллати ва давлатининг шонли номига доғ туширувчи бундай номаъқул ҳодисалар олдини олиш учун фуқаролар, хусусан, ўсмирлару ёшлар орасида тушунтириш ишларини йўлга қўйишлари ва умуман, фарзандлар тўғри тарбиясига жиддий эътибор қаратишга вазифадордирлар.

Бохтар ноҳиясининг маданиятсевар халқи мамлакат Ҳукуматининг бунёдкорлигу яратувчанлик сиёсатини ҳамма вақтдаги каби ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ноҳияни янада ободу кўркамлаштириш, азиз Тожикистонимизнинг тараққий этиши учун ўзларининг ватанпарварона ҳиссаларини қўшишлари ҳамда давлат мустақиллигининг йигирма олтинчи йилини муносиб ютуқлар билан кутиб олишларига ишончим комил.

**Сўзим охирида барчангиз, бу гўзал диёрнинг барча шарафли, ҳимматли ва меҳмоннавоз халқига ободу осуда рўзғор ва ҳаётнинг файзу баракатини тилайман.**

**Ҳамиша саодатли ва саломат бўлинг!**

***"Ховар" ТМАА.***




## Президент мулоқотидан кейинги ўйлар

# ЯХШИ ТУРМУШ ШАРОИТИГА ЭЛТУВЧИ ҲУЖЖАТ

Маълумки, урф-одат, тантана ва маросимлар бой маънавий мерос сифатида узоқ тарихий синовлар босқичидан ўтиб, мустақиллик давригача етиб келди. «Бу қимматбаҳо хазинага эҳтиром кўрсатиш ва асраш ҳар бир ватанпарвар кишининг вазифасидир».

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинганлигига 10 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган мулоқотида ўтган давр мобайнида эришилган ютуқлар – миллий маданият қадриятларини ҳимоялаш, диний суннатлар, миллий ҳамда мазҳабий анъана, тантана ва урф-одатларни муваффақиятли тартиблаштириш, хурофоту таассуб, ўзини кўрсатиш, исрофгарчиликларнинг олдини олиш ва миллий ҳамда халқ тадбирларини ўтказишнинг ягона низомини ишлаб чиқиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди. Миллат пешвоси таъкидлаганидек, мазкур ҳужжат халқ иқтисодий-ижтимоий манфаатларини ҳимоялаш йўлидаги тарихий миссиясини бажарди ҳамда мамлакат турли минтақаларидаги урф-одатларни бир хил тартибга солиш учун устувор замина яратди. Кераксиз харажатларни камайтириш 10 йил ичида камбағаллик даражасини 53дан 30 фоизгача туширди.

Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши шарофатида «камбағаллик сатҳини пасайтириш стратегияси татбиқидан фаровонлик сатҳини юксалтириш стратегияси татбиқига ўтиш имконияти пайдо бўлиб, айни пайтда аҳоли ўрта табақасини 50 фоизга етказиш режаси амалга оширилмоқда». Масаланинг ушбу ижобий томони фуқароларнинг ижтимоий фаоллик даражасини бир неча мартага оширди ҳамда уларнинг онгида сармоя йиғиш фикрини шакллантирди. Яъни маълум бир юмуши бўлган ҳар бир киши аслида вақтини тантана-ю маросимларни ўтказишдаги ўзини кўрсатиш, бузғунчи ақидаларни тинглаш ва масжиду меҳробга боғланиб қолиш билан ўтказмайди.

Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши орқали аҳоли ўртасида миллий маданий қадриятлар, маросимларни ўтказиш тартиби ва аниқ вақти борасида фикрлар ўзгариб, одамларнинг тантана-ю маросимларни осон ўтказишга бўлган муносабати юксалди. Натижада барча турдаги тўй-ҳашамлардан тежалган маблағнинг умумий ҳажми 18 миллиард сомонийдан ошиб, оилаларнинг бюджет даромади ортиши кузатилди.

Ўтган давр мобайнида хайрия маракаларини ўтказиш анъанага айланиб, камтаъминланган оилалар, етимлару қаровчисиз қолган кишиларни қўллаб-қувватлаш, тантана-ю маросимларни биргаликда ўтказиш ҳолатлари кўпайди. Бадавлат шахсларнинг инсонпарварлик фаолияти тожикларнинг миллий ва мазҳабий маданияти бойишига муносиб ҳисса қўшди. Жорий садақа тушунчаси мамлакат фуқаролик жамиятида ўзининг кенг қамровли татбиқига эришди. Бироқ тўй-ҳашамларни ўтказишдаги ўзини кўрсатиш ва ортиқча харажатларга йўл қўйиш риёкорлик ва шуҳратпарастлик сифатида ҳозир ҳам кишини ташвишга соладиган масалалар сирасига киради.

Мансабдор ва тегишли шахслар томонидан қонунбузарликка йўл қўйилаётгани бу муассаса ва давлат хизматчисининг жамият олдидаги обрўси тушиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Миллат пешвоси ўз нутқи якунида таъкидлаганидек: -«Жамият тараққиёти ва фуқаролар манфаатларини ҳимоялашга боғлиқ ҳолда, Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунини такомиллаштириш зарурлиги юзага келган». Тегишли тузилмалар мамлакат аҳолисининг кўп сонли истак ва таклифлари асосида мазкур қонунга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар тартибини ишлаб чиқишга вазифадор этилдилар. Мазкур миллий қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ва унда кўрсатилган талабларга сўзсиз риоя қилиниши билан биз бугунги кундан-да яхшироқ турмуш шароитига эришишимизга ишончим комил.

***Файзулло БАРОТЗОДА,***
***Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Исломшунослик маркази директори.***

# ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АНЪАНАЛАР, ТАНТАНАЛАР ВА УРФ-ОДАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ҲАМДА АНЪАНАЛАР, ТАНТАНАЛАР ВА УРФ-ОДАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎЛИДАГИ БОШҚА ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ЎЗГАРТИШУ ҚЎШИМЧАЛАРГА

# ИЗОҲЛАР

11 август куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ўзининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Олий ва олий таълим муассасасидан кейин касбий таълим тўғрисида», «Ўрта касбий таълим тўғрисида», «Бошланғич касбий таълим тўғрисида», «Маориф тўғрисида»ги қонунлари, Тожикистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлисига кўриб чиқиш учун тавсия қилди.

Тавсия қилинган лойиҳалар мамлакат фуқароларининг учрашувлар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ҳамда 2017 йилнинг 11 июл куни Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинганининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган учрашувдаги мурожаатлари асосида ишлаб чиқилган.

Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси» амалдаги қонунни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда маҳаллий доимий ва жамият комиссиялари фаолиятлари, уларнинг ваколатларини кучайтириш учун меъёрлар назарда тутилган.

Лойиҳада фуқаролар манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган бир қатор янги меъёрлар тавсия қилинган. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кунида хокисорона руҳоний дастурхон тузатиш, исрофгарчиликлар ва ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик шулар жумласидандир.

Лойиҳада суннат маросимини ўтказишнинг янги тартиби назарда тутилган бўлиб, унга биноан бундан кейин хатна маросими оила даврасида ва санъаткорларнинг хизматисиз ўтказилади. Хатна маросими ота-оналарнинг розиликлари билан ўғил туғилганидан йигирма кунгача тегишли тиббий муассасаларда, соғлиқни сақлаш соҳасида ваколатдор давлат органи томонидан белгиланган тартиб асосида ўтказилади. Бу ҳолатда дунёнинг ривожланган давлатларининг бу йўналишдаги тажрибаси ўрганилиб, таклифлар ушбу таълимотларга асосланган.

«Болага ном қўйиш», «Бешикка белаш», «Қирқ кунлик» («Чилла қочди»)ни ўтказиш, «Соч олиш» ва бола таваллуди билан боғлиқ бошқа маросимлар оила даврасида, чорва сўймасдан ва санъаткорларнинг иштирокисиз ўтказилади.

Ақиқа (чақалоқ туғилганининг еттинчи куни) маросимини ўтказиш тақиқланади.

Бу барча чора-тадбирлар ота-оналар маблағларини тежаш ҳамда халқ турмуш тарзи даражаси пасайиши олдини олиш мақсадида назарда тутилган. Шу билан бир вақтда ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи барча шахсларга тежалган маблағлар ҳисобидан ўғилларининг номига улар балоғат ёшига етгунларича банкларда ҳисоб рақами очиш ҳуқуқи берилади.

Моддий имкониятларга эга бўлган жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга қаровчиси бўлмаган ва камтаъминланган оилалардан бўлган болаларнинг хатна маросимларини хайрия тарзида белгиланган тартибга риоя этиш ва маҳаллий доимий комиссиялар иштирокида ўтказиш ҳуқуқи берилади.

Ўзгартишлар, шунингдек, амалдаги қонуннинг никоҳ тўйи билан боғлиқ 10-моддасига ҳам киритилган бўлиб, бошқа тақиқланган маросимлар билан бир қаторда, «Нон синдириш», «Она чақирди», «Ота чақирди», «Юз очди», «Қутлуғ бўлсин», «Йўл тўсиш» каби маросимларининг ўтказилиши тақиқланади.

Шунингдек, ушбу моддада назарда тутилган меъёрга мувофиқ, куёв ва келиннинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўзаро келишган ҳолда, тўйдан олдинги ошнинг ўрнига ушбу тадбир учун кўзда тутилган маблағни ёшларнинг ҳаётини яхшилашга сарфлашлари мумкин. Таъкидлаш жоизки, ушбу ташаббус мамлакатнинг баъзи ноҳия ва шаҳарларида амалга татбиқ этилаётган бўлиб, халқ томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Амалдаги қонуннинг дафн маросимлари ва азани тартибга солувчи 11-моддасига жиддий ўзгартишлар таклиф қилинган. Ушбу таклифларга биноан, дафн ва аза маросимларининг барчаси чорва сўйилмасдан ва таом берилмасдан ўтказилиши керак. Жумладан, «уч кунлик», «қирқ» ва «йил» маросимлари чорва сўйилмасдан ва таом тарқатилмасдан ўтказилади. «Оши сари тахта», «душанбалик», «жумалик», «еттилик», «йигирмалик» ва «олти ойлик» каби бошқа тақиқланган маросимларни ўтказишда ҳам чорва сўйилиши ва таом тарқатиш тақиқланади.

Шунингдек, дафн ва мотам маросимлари ўтказилишини тартибга солиш мақсадида уларни ўтказиш тартибини ваколатдор орган аниқлайди.

Аҳоли билан учрашув ва сўзлашувларда ҳаж маросимини адо этиш билан боғлиқ бир қатор таклифлар ҳам илгари сурилди. Ушбу мурожаатларни ҳисобга олган ҳолда, қонуннинг 12-моддасига ўзгартиш таклиф этилган бўлиб, «ҳожизиёрат» маросими ўтказилиши тақиқланади. Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳаж зиёратини адо этиш ва умра учун сафарлари тартибини Тожикистон Республикаси Ҳукумати белгилаб, унинг муҳокамасида фуқароларнинг таклифлари ҳисобга олинади.

Қонуннинг тантаналар ва урф-одатлар ўтказилишини тартибга солувчи 14-моддасига ҳам сезиларли ўзгартишлар таклиф қилинган. Унда шартнома асосида хизмат кўрсатиш, кафелар, ошхоналар, ресторанлар ва тўй ўтказиш заллари маъмурияти тадбир эгалари билан бир қаторда таклиф этилганлар сони, тўйлар ва маросимлар ўтказилиш вақти учун масъулиятли бўлишлари назарда тутилган.

Мамлакат, айниқса, қишлоқ фуқаролари томонидан тўйлар ва маросимларни ўтказиш вақтига нисбатан кўпгина таклифлар илгари сурилган. Ушбу таклифларни ҳисобга олган ҳолда, қонуннинг 14-моддасига ўзгартишлар таклиф этилган бўлиб, унга биноан тўйлар ва маросимлар шаҳарларда дам олиш кунлари соат 8:00дан 22:00гача ва иш кунларида 18:00дан 22:00гача, шаҳарчалар ва қишлоқлар (жумладан, шаҳар бўйсунишидаги шаҳарча ва қишлоқлар)да дам олиш кунлари 1 апрелдан 31 октябргача 6:00дан 22:00гача, 1 ноябрдан 31 мартгача соат 8:00дан 22:00гача ва иш кунларида 18:00дан 22:00гача ўтказилади. Тўйлар ва маросимлар давомийлиги уч соатгача қилиб белгиланади.

Шу билан бир вақтда, қонунга унинг тартиблари ижроси бўйича фуқароларнинг масъулиятларини юксалтиришга доир янги меъёрлар таклиф этилган бўлиб, улар никоҳ тўйлари ва мотам маросимларини ўтказиш борасида ваколатдор органни хабардор этиш, уларни қонун талаботлари доирасида ўтказишга вазифадор этиладилар.

Бир вақтда, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар миллий маданият асослари, жумладан, давлат тили ва миллий либосга эҳтиром кўрсатиш, уларни замонавий салбий таъсирлардан ҳимоялашга вазифадор этиладилар.

Таҳлилларга кўра, мазкур қонун талаботларини мансабдор шахслар, давлат хизматчилари, бадавлат кишилар, тадбиркорлар ва руҳонийлар кўпроқ бузишаётгани ҳақида кўп кишиларнинг фикри бир жойдан чиқмоқда.

Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, қонунга янги меъёр таклиф этилган бўлиб, унга биноан Ҳукумат аъзолари, вилоятлар, шаҳар ва ноҳиялар раислари, бошқа расмий шахслар, давлат хизматчилари, судялар, прокуратура, хавфсизлик, ички ишлар, давлат молиявий назорати ва коррупцияга қарши кураш органлари ходимлари, ҳуқуқ тартиботи, солиқ, божхона органлари бошқа ишчилари ва ҳарбий хизматчилар ўзлари ва фарзандлари томонидан мазкур қонун талаботини бузганликлари учун эгаллаб турган лавозимларидан Тожикистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ озод этиладилар.

Шунингдек, бошқа тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга ҳам ўзгартишу қўшимчалар таклиф этилиб, Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни талабларини бузганлик учун алоҳида шахсларнинг масъулиятлари кучайтирилган.

Хусусан, Тожикистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 481-моддасига таклиф этилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, мансабдор ва ҳуқуқий шахсларнинг Тожикистон Республикасининг анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилиги талаботларига риоя этмаганлик учун масъулиятлари кучайтирилган бўлиб, мансабдор шахсларга нисбатан жарима ҳажми ҳисоблар учун 250-270 кўрсаткичгача, яъни ҳисоб учун 12500-13500 сомонийдан то 500 кўрсаткич ё 25 минг сомонийгача кўтарилган. Ҳуқуқий шахсларга нисбатан эса, жарима ҳажми ҳисоблар учун 500-520 кўрсаткичгача, яъни 25-26 мингдан 700 кўрсаткичгача ёки 35 минг сомонийга оширилган.

Хусусий тадбиркорлар, диний арбоблар ва уламолар худди шундай амалга қўл урганлари ҳолатида уларга нисбатан жарима ҳисоб учун 700 кўрсаткич ҳажмида ёки 35 минг сомоний қилиб белгиланади.

Анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни ўтказиш тартибининг қўпол ёки такроран бузилиши учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бунинг учун жисмоний шахсларга ҳисоблар учун 600 кўрсаткич ҳажмида ёки 30 минг сомоний, мансабдор шахсларга ҳисоблар учун 800 кўрсаткич ҳажмида ёки 40 минг сомоний ва ҳуқуқий шахсларга ҳисоблар учун 1000 кўрсаткич ҳажмида ёки 50 минг сомоний жарима белгиланади.

Зикр этилган қонун бузилиши учун жавобгарлик айнан унинг бузилиши олдини олиш учун таклиф қилинган.

Зикр этилган масалалар билан бир қаторда, таклиф этилган лойиҳаларда бошқа масалалар, жумладан, транспорт воситаларини маст ҳолатда ва ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариш, бу ҳолатда жиноят содир этганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтиришга ҳам эътибор қаратилган. Маълумотлардан келиб чиқишича, ҳар йили республика йўлларида транспорт ҳодисаси туфайли кўп сонли фуқаролар ҳалок бўлиб, янада кўпроқ кишилар турли тан жароҳатлари олишади. Ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаларини маст ҳолатда ва ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариш, транспорт ҳодисалари содир этиш ҳолатлари ҳам кўп қайдга олинган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Тожикистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар кодекси ва Жиноят кодексига ҳам ўзгартишлар таклиф этилган бўлиб, улар бу йўналишда жавобгарликни кучайтиришга йўналтирилган.

Жумладан, Тожикистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексининг алоҳида моддалари, хусусан, 37, 42, 332, 336, 337 ва 242 моддаларига ўзгартишлар киритилган бўлиб, унга биноан махсус ҳуқуқ – автомобил транспортини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш муддати иккидан ўн йилгача оширилиб, назарда тутилган жазо муддати ҳам кучайтирилган. Мисол учун, агар 332-моддада автотранспортни маст ҳолатда бошқарганлик учун автотранспортни бошқариш ҳуқуқидан атиги икки йил муддатга маҳрум этиш жазоси назарда тутилган бўлса, янги таклифларга биноан жазо кучайтирилади ва бундай амалларга ҳисоблар учун уч юз кўрсаткич (яъни, ўн беш минг сомоний) ҳажмида жарима ёки беш йил муддатга автомобил бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан 15 кунгача маъмурий ҳибсга олиш назарда тутилади.

Шунингдек, автотранспортни ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариш учун жавобгарлик ҳам кучайтирилиб (336-модда, 1-қисм), жарима ҳажми ҳисоблар учун 3-5 кўрсаткич (150-250 сомоний) ҳажмидан то ҳисоблар учун 250 кўрсаткич ҳажмигача (12 минг 500 сомоний) оширилади.

Агар амалдаги кодексда автотранспортни ҳайдовчилик гувоҳномасисиз ва маст ҳолатда бошқарганлиги учун 50-70 кўрсаткич ҳажми (2500-3000 сомоний)да жарима назарда тутилган бўлса, янги лойиҳада 400 кўрсаткич ҳажмида (яъни йигирма минг сомоний) жарима назарда тутилади. Маъмурий жазо белгиланганидан кейин бир йил давомида худди ўша амалга такроран қўл урган шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 212-моддасига таклиф этилган ўзгартишлар автотранспортни маст ҳолатда бошқарадиган ёки маст ҳолатда йўл ҳаракати қоидаларини бузган ва одамлар ҳалокатига сабаб бўлган шахсларга нисбатан жазо кучайтирилишига йўналтирилган.

Жумладан, маст ҳолатда йўл ҳаракати қоидалари бузилиши натижасида эҳтиётсизлик билан одам ўлимига сабаб бўлган ёки инсон саломатлигига оғир зарар етказганлик учун бешдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш, аниқ вазифани эгаллаш ёки ўн йил муддатгача аниқ бир фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш кўринишида жазо назарда тутилади.

Агар бу амали икки кишидан зиёд кишининг ўлимига сабаб бўлса, ўндан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш орқали ўндан йигирма йилгача маълум бир мансабни эгаллаш ёки маълум бир фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Шунингдек, жазо муддати ўтганидан кейин, бир йил мобайнида автотранспортни ҳайдовчилик гувоҳномасисиз ва маст ҳолатда бошқарганлик учун жазо ҳам кучайтирилган бўлиб, икки йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки ҳисоблар учун беш юздан бир минг кўрсаткич ҳажмида (25 мингдан то 50 минг сомонийгача) жарима назарда тутилади. Таъкидлаш жоизки, амалдаги кодекс шу пайтгача фақат «ҳибсга олинмайдиган» (яъни анча юмшоқ) жазолар, жумладан, ҳисоблар учун икки юзгача кўрсаткич ҳажмида (10 минг сомоний) жаримани назарда тутарди.

Асосий жазолар билан бир қаторда, энди Тожикистон Жиноят кодексининг 20-моддасига транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарганлик учун 20 йил муддатгача бошқарув ҳуқуқидан маҳрум этиш меъёри таклиф қилинган.

Тожикистон Республикасининг «Маориф тўғрисида», «Бошланғич касбий таълим тўғрисида», «Ўрта касбий таълим тўғрисида» ва «Олий ва олий таълим муассасасидан кейин касбий таълим тўғрисида»ги қонунига ўқувчилар ва студентларнинг транспорт воситаларини бошқарган ҳолда, таълим муассасаларига келишларини тақиқлашга доир ўзгартишлар таклиф этилган. Уларнинг таълим муассасаларига механик транспортларни бошқарган тарзда келганлари ҳолатда улар таълим муассасаларидан ўқишларини қайта тиклаб бўлмайдиган тарзда ҳайдаладилар.

Юқорида зикр этилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан бир қаторда, давлат хизматчилари масъулиятини юксалтириш мақсадида Тожикистон Республикаси Президенти фармони билан Тожикистон Республикаси Давлат хизматчилари этикаси кодексига ҳам ўзгартишлар киритилиши назарда тутилган бўлиб, унга биноан давлат хизматчилари Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни талабларига риоя этиш ва бу талабларга ўз фарзандлари томонидан риоя этилишини таъминлашга вазифадор бўлишади. Бу талабларга риоя этмаслик давлат хизматчисини вазифасидан озод этишга асос бўла олади.

*«Ховар» ТМАА.*

# Суғд вилояти янгиликлари

## Ота-оналар ҳарбий қисмдан мамнун қайтишди

«Ўғилларимиз учун яратиб берилган шарт-шароитдан хурсанд бўлдик. Уларга Ватан олдидаги хизматларини тўла-тўкис адо этишларини яна бир марта уқтириб қайтдик!». Бу гапларни ҳарбий хизматдаги ўғлини кўриб қайтган конибодомлик оталардан бири айтди. У билан бирга Душанбе сафарида бўлган ўн тўрт нафар ота-она сўзларидан ҳам худди шу каби мазмунни уқиш мумкин эди.

Тожикистон Республикаси Қуролли кучлари сафида ўзларининг йигитлик бурчларини ўтаётган фарзандларини кўриб келиш учун Душанбедаги ҳарбий қисмлардан бирига отланган ота-оналар сафарлари амалга ошишини давлат ҳокимияти Конибодом шаҳар ижроия органи қўллаб-қувватлади. Тожикистон Халқ-демократик партияси Конибодом шаҳар ижроия қўмитаси ҳам бу муҳим ишга бош қўшди. Конибодомлик ота-оналарнинг Душанбе сафарига эса, мазкур қўмита раиси Азимжон Бобозода ҳамроҳлик қилди. Ота-оналар икки кун давомида ҳарбий қисмда бўлиб, у ерда аскар йигитларга яратиб берилган шароитлар билан танишишди.

«Ота-оналар ўғилларининг ҳарбий хизматда чиниққанликлари, соғлом эканликларини кўриб, хурсанд бўлишди»,- деди Азимжон Бобозода. У аскарларга ўзи аъзо бўлган партия қўмитаси жўнатган озиқ-овқатни топширди.

## Матбуот йиғинлари борасидаги фикр-мулоҳазалар

Хўжанд шаҳридаги «Матбуот қасри»да ёзги матбуот йиғинлари ўтказилишига оид йиғилиш бўлиб ўтди. Тожикистон мустақил оммавий ахборот воситалари миллий уюшмасининг Суғд вилоятидаги Журналистлар клуби ўтказган мазкур йиғилишда қатнашган журналистлар матбуот йиғинлари борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Журналистлар Абдувосид Салимзода, Мавлуда Рофиева, Жамшид Маъруров, Қамари Аҳрор, Мафтуна Шукурова, Сино Ғафурий ва бошқалар аксар матбуот йиғинларининг юқори савияда ўтганини таъкидлашди. Масалан, Жамшид Маъруров Суғд вилояти ички ишлар бошқармаси ярим йиллик матбуот йиғинига ҳар тарафлама тайёргарлик кўрганини таъкидлади. Бошқарма раҳбарияти журналистларни одатдагидек Хўжанддаги идорасига эмас, балки Шаҳристондаги тоғлар бағрида жойлашган хушманзара ердаги таълим машқгоҳига таклиф этган. Бошқарма бошлиғи милиция генерал-майори Назарзода Шариф Раҳмон ҳар бир саволга атрофлича жавоб беришдан ташқари, қилинган ишларни олдинги йиллар билан қиёслаган ҳолда, таҳлил қилиб берган, жиноятлар олдини олишда айни шу таҳлилнинг ўрни ҳақида гапирган. Журналистлар милиция ходимларининг террорчилик каби бузғунчилик ҳаракатлари, хуружлари олдини олишдаги тайёргарликлари билан танишиб, бу борадаги машқларни ўз кўзлари билан кўришган.

Журналистлар худди шундай Суғд вилояти раиси, давлат молиявий назорати ва коррупцияга қарши кураш агентлиги вилоят бошқармаси, вилоят фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш бошқармаси, Хўжанд ва Панжакент шаҳарлари, Бобожон Ғафуров, Спитамен ноҳиялари раислари ташкил этган матбуот йиғинлари юқори савияда ўтганини айтишди.

Айни бир пайтда айрим ташкилотлар ва ноҳияларда матбуот йиғинлари яхши тайёргарлик кўрилмай ўтгани айтилди. Журналистлар бир қатор вилоят ташкилотлари ва идоралари раҳбарларининг ҳам матбуот йиғинлари ўтказиб туришларини таклиф этишди.

Клуб қатнашчилари матбуот йиғинлари сифатини янада ошириш борасида мурожаат қабул қилишди. Шунингдек, матбуот йиғинлари ўтказиш борасида семинар-тренинглар ташкил этиш зарурлиги ҳақида Тожикистон Журналистлар иттифоқи ва Тожикистон мустақил оммавий ахборот воситалари миллий уюшмасидан кўмак сўрашга келишдилар.

## Мақсад: ҳеч ким йўлдан адашмасин!

Вилоят шаҳар ва ноҳияларида Тожикистон Республикасининг 2016-2020 йилларда экстремизм ва террорчиликка қарши курашга оид миллий стратегияси ва 2016-2018 йилларда одам савдосига қарши кураш миллий режаси доирасида учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Тожикистон Республикаси меҳнат, муҳожирлик ва аҳолини иш билан таъминлаш вазирлиги ўтказган бу учрашув ва суҳбатлар Халқаро муҳожирлик уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Кейинги пайтларда айрим йўлини йўқотган ёшларнинг экстремистик ва террорчилик мақсадини кўзлаган фирқа, ҳаракат ҳамда оқимларга қўшилиб қолиш ҳолатлари юз бераётгани жамоатчилик хавотирларига сабаб бўлаётир. Учрашув ва суҳбатлар давомида айни шу кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бермоқлик зарурлиги, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида гап борди.

Хўжанд, Конибодом, Истаравшан, Панжакент шаҳарлари, Бобожон Ғафуров, Жаббор Расулов, Деваштич каби ноҳияларда ўтказилган тадбирларда 800 нафарга яқин киши қатнашди.

## Аҳоли учун қулайликлар

Ашт ноҳиясидаги энг йирик қишлоқ жамоатларидан бири саналадиган Аштда аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида бунёдкорлик ва ободончилик ишлари кучайтирилмоқда. Мазкур жамоат раиси Шавкат Ёрматовнинг айтишича, кучли ёғингарчиликлар натижасида деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган 3 километр йўл қайта тикланган. Ҳозир бу йўлдан юраётган машиналар ҳайдовчилари яратилган қулайликдан мамнунлик изҳор этишмоқда.

Айни бир пайтда қишлоқ ўртасидан оқиб ўтадиган сой қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари давом этмоқда. Сел келадиган ҳолларда сув тошқини олдини олишни кўзлаган бу муҳим ишда қишлоқ аҳолиси ҳам қатнашмоқда.

Қишлоқ жамоатига қарашли Дўстий шаҳарчасидаги беморхонада эса, таъмирлаш ишлари бошланди. Аҳоли саломатлиги учун зарур бўлган шифохона таъмири учун Ашт қишлоқ жамоати ҳудудидаги 420 га яқин деҳқон хўжалиги 27 минг сомоний маблағ ўтказди. Ноҳия давлат ҳокимияти ижроия органи томондиан эса, таъмир учун 5 минг сомоний ажратилган.

Беморхонани таъмирлаш ишларини жорий ой охиригача тугаллаш кўзда тутилган.

## Спорт иншоотлари таъмирланмоқда

Бўстон шаҳридаги генерал-майор Рустам Амакиев номли спорт залини тўлиқ таъмирлаш учун шаҳар давлат ҳокимияти ижроия органи томонидан 118 минг сомоний маблағ ажратилди. Ҳозир уни таъмирлаш ишлари айни авжида. Бундан олдинроқ ушбу спорт зали учун 20 минг сомонийга курашчилар гилами (татами) олиб берилганди.

- Ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун маданий муассасалар ишини яхшилаш билан бирга, спорт иншоотларида янги қулайликлар яратишга эътибор беряпмиз, - дейди Бўстон шаҳри ёшлар билан ишлаш ва спорт бўлими мудири Хусравшоҳ Исмоилов.

Айни шу мақсадда 2-спорт мактаби стадионини таъмирлаш учун давлат ҳокимияти шаҳар ижроия органи томонидан 17200 сомоний ажратилди.

«Ёшлар йили»да Бўстон шаҳрининг кўп қаватли уйлардан иборат маҳаллаларининг ҳар биридаги мавжуд спорт майдончалари таъмирланмоқда.

*Ўз мухбир.*

**Китоб жавонингизга**

# ВАТАН ИЧРА САФАР...

Таниқли адиб ва журналист устоз Умар Шерхон навбатдаги китобини нашрдан чиқарди. «Шуд он замона» («Ўша онлар етиб келди») деб номланган бу асар адибнинг узоқ йиллик сафарлари-ю мушоҳадалари маҳсулидир.

Сафарнома – Шарқ адабиётида улкан мавқе эгаллаган жанр. Бу жанрда битилган асарлар аслида ўқимишлилиги, халқчиллиги, воқеа-ҳодисаларнинг географик характерга эгалиги ва тарихийлиги билан ўқувчида катта қизиқиш уйғотиши табиий ҳол. Улуғ мутафаккир Аҳмад Дониш «Сафарнома»сининг ҳанузгача қўлдан туширилмай ўқилиб келинаётгани ва жаҳон бестселлер асарлари қаторидан ўрин олганлиги сири ҳам эҳтимол шунда бўлса...

Устоз Умар Шерхон асари иштирокчи-персонажлари ҳам, сафар қилинган минтақалар ҳамда зиёрат объектлари ҳам барчамизга бирдай таниш бўлганлиги учун ҳам қадрли. Асарни мутолаа қиларкансан, кўз олдингдан тожик адабиёти асосчиси Одамуш-шуаро Абуабдулло Рўдакий оромгоҳи ва у маскан топган диёр – Панжакентнинг Панжруди ва унгача бориладиган йўллар... ўзига хос сафар тадориги ва мустақиллик йилларида қайта қурилган йўл тарихи, бир неча катта-кичик ва «Истиқлол» туннели, булар ҳақдаги янги маълумотлар ўқувчида хуш таассурот қолдиради.

Ёзувчининг Панжакенти бостонга қилган сафари 16та мақола ва хотирадан ташкил топган бўлиб, ўқувчи улар мутолааси орқали Хожа Маҳмади Абудардор, Муҳаммади Башоро, Халифа Ҳасан, Миролим Додхоҳ мадрасаси ҳақида ажойиб билимга эга бўлиши аниқ. Айниқса, 163 баҳорни кўрган ўз даврининг машҳур мироб-ирригатори Халифа Ҳасан барчамизнинг ифтихоримиздир, албатта.




Адибнинг Кўлоб минтақаси бўйлаб сафари маҳсули ўлароқ Шоҳи Хомуш ва Домулло Икром мақбаралари ҳамда Мир Сайид Али Ҳамадоний каби буюк мутафаккир авлиёлар оромгоҳлари зиёрати ҳақидадир.

Китобга сафардошлар расмлари ҳамда зиёратгоҳлар рангли суратлари илова қилиниши унинг мутолаа пайтида янада завқлироқ бўлиши билан бирга ўша географик жойлар ҳақида аниқ таассурот ҳам қолдиради.

Адибнинг янги китоби азиз Ватанимиз мустақиллиги 26 йиллик тўйи арафасида муштарийлар учун ўзига хос муносиб совға бўлиб, уларда азиз диёримизга бўлган меҳру муҳаббатни оширади, деб ўйлаймиз..

*Ўз мухбир.*

# ҲУҚУҚБУЗАРЛАР ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИЛАР

**Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Хотин-қизлар ва оила комитетининг жорий йил биринчи ярми якуни натижаларига бағишланган матбуот анжумани комитет раисининг биринчи ўринбосари Марҳабо Олимий иштирокида бўлиб ўтди. Миллийлик тарғиботида асосий идора бўлган комитет ходимлари бир хил ранг ва бичимдаги атлас камзулларда келишди.**

Марҳабо Олимий дастлаб журналистларни комитет томонидан ярим йил мобайнида бажарилган ишлар кўлами билан батафсил таништириб ўтди. Унинг қайд қилишича, жамиятда аёллар ролини фаоллаштириш, сарвар қизлар сонини ошириш, лаёқатли кадрларни тайёрлаш, ёш истеъдодларни топиш мақсадида комитет қошида студент қизлар кенгаши ташкил этилган бўлиб, унинг базасида «Сарвар қизлар мактаби» амал қилаяпти. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакат олий таълим муассасаларининг 50 нафар студент қизлари мазкур мактабни муваффақиятли тугатиб, гувоҳнома соҳибига айланишган.

Шунингдек, хотин-қизлар ҳисобидан раҳбар кадрларни тайёрлаш ва касбий малакасини ошириш йўлида жорий йилнинг май ойида «Амонатбонк» Давлат жамғарма банки ходимлари билан «Раҳбар аёл» дастури доирасида таълим курси ўтказилди. Бундай таълим курси Алоқа хизмати ходимлари учун ҳам ташкил қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамият иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳаётида хотин-қизлар ролини юксалтириш, уй бекаларини жамиятнинг фойдали ишларига жалб этиш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноий амалларга қўл урилишининг олдини олиш мақсадида 2017 йилнинг биринчи ярмида 9 минг 207 нафар уй бекалари гилам тўқиш, қуроқ тикиш, тўқувчилик, гулдўзлик, тикувчилик, кулолчилик, заргарлик, зардўзлик, намат , адрас ва сават тўқиш, дўппи, чакан тикиш каби халқ ҳунарларини ўрганишга жалб қилиндилар.

Миллий стратегиянинг VI-фасли ижроси йўлида жорий йилнинг 7-10 феврал кунлари комитет мамлакат олий таълим муассасалари студентлари билан аёллару эркаклар, ёшлар, балоғатга етмаганлар ўртасида номаъқул амаллар, жумладан, жиноятчилик, гиёҳвандлик, суиқасд каби иллатлар ҳамда хотин-қизлар ва ёшларнинг турли хил экстремистик ташкилоту оқимлар сафига кириб кетишлари олдини олиш мақсадида учрашувлар ўтказилди.

Комитет Тожикистон Республикасининг «Оилада




зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонуни, «2014-2023 йиллар Тожикистон Республикасида оилада зўравонликнинг олдини олишга доир давлат дастури»ни амалга татбиқ этиш доирасида «Оилавий зўравонликнинг олдини олиш» лойиҳаси билан ҳамкорликда оилада зўравонлик кўрсаткичларини аниқлаш йўлида 2017 йилнинг январ-феврал ойларида Душанбе шаҳрининг Шоҳмансур ноҳияси «Бадахшон», Чехов номли, «Халқлар дўстлиги» маҳаллаларида ижтимоий тадқиқот ўтказди.

Комитет Тожикистон Республикасида оила тараққиёти концепцияси татбиқи йўлида Телевидение ва радио комитети билан ҳамкорликда республиканинг амалдаги қонунлари, жумладан, Тожикистон Республикасининг «Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида», «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урфодатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлари доирасида мунтазам равишда илғор хотин-қизлар фаолияти, соғлом оила бунёди, ёш оилалар бузилишининг олдини олиш ҳақида кўрсатувлар ташкил қилиб келади.



Жорий йил олти ойи мобайнида комитет раиси томонидан 549 нафар фуқаро қабул қилинган бўлиб, шундан 94 нафарини эркаклар ташкил этади. Шунингдек, ҳисобот даврида 117та ёзма ариза келиб тушган.

Фуқароларнинг ариза ва мурожаатлари кўпроқ руҳий, ҳуқуқий маслаҳатлар олиш, оилавий зўравонлик, талоқнинг олдини олиш, мол-мулкни тақсимлаш, иш жойларига эга бўлиш, турар жой билан таъминлаш, алимент тўловлари, моддий ёрдам етказиш масалаларида бўлган.

Ота-оналар ва таълим муассасалари масъулларининг фарзандлар таълим-тарбиясидаги мажбуриятларининг ижро этилмаганига доир 10 минг 378та ҳуқуқбузарлик протоколи тузилиб, қонуний чоралар кўриш учун республика шаҳру ноҳиялари судларига жўнатилди. Шундан 6 минг 776 нафари 896 минг 625 сомоний ҳажмида жаримага тортилди ва 1441 нафари огоҳлантириш олди.

1997 йилдан 2016-2017 ўқув йилигача 17 минг 597 нафар студент Президент квотаси орқали мамлакат олий таълим муассасаларида таҳсил олган бўлса, шундан 11 минг 194 нафарини қизлар ташкил қилади. 2017-2018 ўқув йилида узоқ тоғли ноҳиялардан 1227 нафар ўғил-қизлар квота орқали олий таълим муассасаларига қабул қилинган бўлиб, шундан 629 нафардан ортиғи қиз болалардир.

*Г.АЮПОВА,*
*«Халқ овози».*

## Матбуот конференциялари

# СТУДЕНТ БЎЛИШ ОСОНЛАШДИ...МИ?

**Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Миллий тест марказининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти якунига бағишланган матбуот анжумани директор Икромий Хуршед Икром иштирокида журналистлар билан савол-жавоб орқали ўтказилди.**

Савол-жавоблар жараёнида маълум бўлишича, Миллий тест маркази ўз фаолиятини Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг кўрсатма-ю топшириқлари асосида йўлга қўйган бўлиб, 2017 йилнинг январ-июл ойларида марказлаштирилган кириш имтиҳонлари ва фаолиятининг бошқа йўналишларида бир талай ишларни амалга оширган.

Марказлаштирилган кириш имтиҳонларининг шаффоф ўтказилиши пухта тайёргарлик, хусусан, ахборот-тарғибот ишларининг яхши йўлга қўйилишига боғлиқдир. Шу сабабли, Миллий тест маркази битирувчилар, уларнинг ота-оналари ва ўқитувчиларни касбу ихтисослар, олийгоҳлар, коллежларни танлаш, тестларни ишлаш тартиблари, имтиҳон топширишнинг белгиланган талаб-қоидалари ва ҳоказолар билан таништирди.

Ахборот-тарғибот ишлари 2017 йилнинг январ-март ойларида уч – республика, шаҳар, ноҳиялар ва тегишли таълим муассасалари сатҳида бўлиб ўтди.

Абитуриентларни қайдга олиш ишларини шаффоф, осон ва озод ўтказиш мақсадида республиканинг 50та, жумладан, 29та шаҳру ноҳияларда 33та доимий қайдга олиш нуқтаси ва 21та шаҳру ноҳияларда сайёр нуқталар ташкил қилинди.

Тожикистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибга биноан, марказлаштирилган кириш имтиҳонларида иштирок учун абитуриентларни қайдга олиш икки даврда ўтказилган бўлиб, унинг биринчи даври 1 мартдан 30 апрелгача ва иккинчи даври 12 июндан 30 июнгача бўлиб ўтди. Қайдга олишнинг икки даврида жами 96 минг 541 нафар абитуриент қайддан ўтказилган бўлиб, бу 2016 йилга нисбатан 10 минг 928 ва 2015 йилга нисбатан 11 минг 913 нафарга зиёддир.

Абитуриентлар умумий сони 1-гуруҳ ихтисослари учун 14 минг 567 нафар (режанинг 82,93 фоизи), 2-гуруҳ ихтисослари – 16 минг 98 нафар (режанинг 110,90 фоизи), 3-гуруҳ ихтисослари – 19 минг 844 нафар (режанинг 163,62 фоизи), 4-гуруҳ ихтисослари - 10 минг 298 нафар (режанинг 221,94 фоизи) ва 5-гуруҳ ихтисослари - 35 минг 734 нафар (режанинг 219,31 фоизи)ни ташкил қилди.

2017 йилда ҳам 2016 йилдаги каби абитуриентларнинг аксарияти 5-гуруҳ ихтисослари (тиб, биология ва спорт) ва абитуриентларнинг энг кам сони 1-гуруҳ ихтисос-




лари (табиий ва техник фанлар)га тўғри келди.

Қайдга олинган абитуриентлар умумий сонидан 53 минг 590 нафарини ўғил болалар (55,51 фоиз) ва 42 минг 951 нафари (44,49 фоиз)ни қизлар ташкил қилди.

Номларини қайддан ўтказган қизлар сони йилдан-йилга ошиб бориши марказлаштирилган кириш имтиҳонлари тизими қизларнинг ўрта ва олий касбий таълимдан фойдаланишларини осонлаштирганидан гувоҳлик беради.

Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Миллий тест маркази директори Хуршед Икромий абитуриентлар йўл қўйишган хатоларни шундай изоҳлади:

-Абитуриент ихтисос, таҳсил оладиган манзилни танлаётганда ақл билан иш юритиши керак. Агар у мамлакатимизнинг у ёки бу минтақасида таҳсил олиш имкониятига эга бўлмаса, ўз яшаш манзилига яқин жойни танлаши керак. Шартнома асосида таҳсил олишга имконияти йўқлигини билган абитуриент нима учун таълимнинг шу турини танлайди? Фарзандларига берилган маълумотнома қоғозни баъзи ота-оналар, ҳатто бир бор кўздан кечиришмайди.

Баъзи одамларнинг Миллий тест марказида ҳам пул берилса, балларни оширишаркан, бугунги кунда студент бўлиш анча осонлашган каби гап-сўзлари матбуот анжуманида марказлаштирилган кириш имтиҳонларининг қай даражада шаффоф ўтказилаётгани борасида савол берилишига сабаб бўлди.

- Йўқ, бугун студент бўлиш осонлашгани йўқ. Агар сиз имтиҳонлар натижалари эълон қилинганда Миллий тест марказига борсангиз, бу фикрларнинг аксини эшитасиз. Одамларнинг: -Аввал олий таълим муассасаларига кириш осон эди. Миллий тест маркази фаолият бошлаганидан буён, бу анчайин мушкуллашди, - деган гапларига гувоҳ бўласиз. Қаллоблар ҳар бир замонда бўлган. Бизнинг давримиз ҳам бундан мустасно эмас. Мана шундай кимсалар содда одамларнинг ишончига кириб, мўмай пул ишлаб олишга ҳаракат қилишади. У абитуриент топширган натижанинг баллини ошира олмаса, қандай қилиб пул олган кишисига ёрдам бериши мумкин?- дея жавоб берилди.

-Имтиҳон саволлари йилдан-йилга мураккаблаштириб бориладими? -деган саволга: -Ҳа, тестда ишлатилган ҳар бир савол статистик ва психометрик тарзда таҳлил қилинади. Бу борада саволларнинг мураккаблигини аниқловчи мутахассислар иш олиб боришади. Ёшларнинг билим даражасини юксалтириш учун тест саволлари йилдан-йилга мураккаблаштириб борилаверади,- дея жавоб берилди.

Умуман, Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Миллий тест марказининг матбуот анжумани жуда қизиқарли ўтди. Марказ директори журналистларни кенг ҳамкорликка чорлади.

*Г.АЮПОВА,*
*«Халқ овози».*

# Хатлон вилоятидан хабарлар

## Янги иш жойлари

Жорий йил бошидан буён Бохтар ноҳиясида 1814та янги иш жойи бунёд этилди, бу режанинг 92,8 фоизини ташкил этади.

Давлат ҳокимияти Бохтар ноҳияси ижроия органидан хабар беришларича, янги иш жойлари ва корхоналар ташкил этилиши ишлаб чиқариш умумий кўрсаткичининг ошиши омили бўлиб хизмат қилган.

Йил бошидан буён 293 миллион 316 минг 300 сомонийлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 миллион 518 минг 600 сомонийга ортиқдир.

## Тадбиркорларнинг эзгу ниятлари

Маҳаллий тадбиркорлар Вахш ноҳиясининг Чоргултепа қишлоғидаги 76-ўрта умумтаълим муассасаси қурилишига ҳомийлик қилишни ният қилганлар.

Давлат ҳокимияти Вахш ноҳияси ижроия органидан хабар беришларича, айни пайтда мактаб қурилиши учун ер ажратилишига зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.



Бундан ташқари, «2016-2020 йиллар учун Тожикистон Республикаси маориф ва илм муассасалари қурилиши ва қайта қурилиши бўйича» давлат дастурига мувофиқ 47 ва 48-ўрта умумтаълим муассасалари қурилиши ҳам режалаштирилган.

## Боғдорчиликни ривожлантириб…

Жорий йил олти ойи давомида Жалолиддин Балхий ноҳияси бюджетига 16 миллион сомоний даромад келиб тушди. Бу ҳақда ноҳия раиси Убайдулло Файзулло журналистлар билан учрашувда маълум қилди.

Ноҳия раисининг сўзларига кўра, бюджетнинг даромад қисми 100 фоизга бажарилган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бюджетга 49,1 минг сомоний ортиқ маблағ тушган.

Боғдорчилик ва токпарварликни ривожлантириш мақсадида Жалолиддин Балхий ноҳиясида 1059,28 гектар майдонда янги боғлар бунёд этилган. Бу режанинг 105,9 фоизга бажарилганини кўрсатади. Ноҳияда 1260 гектар боғ мавжуд. Токпарварлик 27,85 гектарда



йўлга қўйилган. 2020 йилгача ноҳия деҳқонлари боғлар майдонини 24 гектарга кўпайтиришни режалаштиришган. Бу майдоннинг 4,2 гектарида интенсив мевали дарахтлар ва 5,2 гектарида цитрус мевалар дарахтлари парвариш қилинади.

## Солиқ жамғариш яхшиланди

Фархор ноҳияси раиси Сулаймон Ваъизоданинг журналистларга берган маълумотига кўра, жорий йилнинг олти ойида солиқ ва бошқа даромадлар режаси 100,4 фоизга бажарилган. Режадаги 12 миллион 373 минг 800 сомоний ўрнига ноҳия бюджетига 12 миллион 418 минг 300 сомоний маблағ келиб тушган.

Айни пайтда ноҳияда 5 минг 631 хўжалик субъектлари ва хусусий тадбиркорлар солиқ тўлайди. Шундан 1291 нафарини ҳуқуқий шахслар, 3249тасини деҳқон хўжаликлари ва 1091 нафарини хусусий тадбиркорлар ташкил этади. Тадбиркорлардан 802 шахсга соҳибкорлик билан шуғулланиш патенти берилган бўлса, 289 нафар тадбиркор шаҳодатнома орқали фаолият юритади.

- Жорий йил биринчи ярмида ишчи ва хизматчилар маоши ўртача 666,77 сомонийни ташкил этди, - деди С. Ваъизода. – Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 125,08 сомонийга ортиқдир.

## Йўловчиларга қулайликлар

Айни пайтда Қўрғонтепа шаҳрида 7та транспорт корхонаси фаолият юритади. Йўловчилар ташиш транспортлари 55та йўналиш бўйича ҳаракатланади.




Жорий йилнинг биринчи ярмида шаҳар транспорт воситалари орқали 696 минг тонна турли юклар ташилган. Шунингдек, йўловчиларни ташиш ҳам яхшиланган. Ҳисобот даврида шаҳар транспорт воситалари орқали 3 миллион 191 минг нафар йўловчи манзилига етказилган. Йўловчилар учун яратилган қулайликлар уларнинг сони ортиши омили бўлиб хизмат қилмоқда.

## Мактаб-интернатлар фаолияти

Айни пайтда Хатлон вилоятида 1333та ўрта умумтаълим муассасаси фаолият юритади. Бу ҳақда журналистларга вилоят маориф ва илм бошқармаси бошлиғи Диловар Исоев хабар берди.

- Вилоятимизда 18та мактаб-интернат фаолият юритади, - деди Д. Исоев. -Шундан 4таси республика аҳамиятига эга муассасалардир. 2017 йили мазкур мактаб-интернатларни 238 нафар битирувчи тугатган. Битирувчиларнинг 226 нафари Миллий тест маркази қайдидан ўтишди. Мактаб-интернатлар битирувчиларидан 10 нафари олий ҳарбий билим юртларида таҳсилни давом эттириш ниятида.

*Ўз мухбир.*

*А. АБДУЛЛОЗОДА:* ===============

# - Спортчи юксак маданиятли бўлиши шарт

Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Ёшлар ва спорт комитети раиси Аҳтам Абдуллозода журналистлар ҳузурида жорий йил биринчи ярим йиллигида ёшлар, спорт ва шу билан бирга сайёҳлик соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш йўналишида комитет томонидан 3 миллион 901 минг 436 нафар иштирокчи қатнашган 13 минг 615та тадбир ўтказилганини таъкидлади.

Аҳтам Абдуллозоданинг маълум қилишича, 2017 йилнинг «Ёшлар йили», деб эълон қилиниши билан давлат ёшлар сиёсатининг барча йўналишларини амалга ошириш мақсадида республика минтақаларида ўтказиладиган барча тадбирлар Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ва «Ёшлар йили»нинг бош ҳомийси Тожикистон футбол федерацияси президенти Рустами Эмомалининг бевосита қўллаб-қувватлаши билан юқори ташкилий даражада йўлга қўйилган.




- Спорт миллат маданиятининг муҳим рукнларидан бири ҳисобланади, -деди А.Абдуллозода матбуот конференцияси давомида. – Миллий спорт турларининг йўқолиб кетмаслиги учун 2017 йил бошидан «Миллий спорт турлари» фестивалини янгидан режалаштириб, Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали бошчилигида унинг биринчи босқичи Наврўз байрами арафасида қишлоқлар ўртасида бўлиб ўтди. Иккинчи босқич эса, Миллий бирлик куни остонасида минтақалардаги шаҳар ва ноҳиялар ўртасида ташкил этилиб, фестивалнинг учинчи босқичида иштирок этувчи терма жамоалар аниқланди.

Унинг сўзларига кўра, Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Ёшлар ва спорт комитети «Миллий спорт турлари» фестивалининг учинчи босқичини Душанбе шаҳрида кўтаринки руҳда ташкил этишга тайёргарлик кўрмоқда.

- «Миллий спорт турлари» фестивалида спортнинг 8 тури бўйича мусобақа ва 12 тури бўйича спорт намойишлари ўтказилиши режалаштирилган, - деди Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Ёшлар ва спорт комитети раиси А. Абдуллозода сўзида давом этар экан. – Биз «Миллий спорт турлари» фестивалини келажакда тақвимга киритиб, ҳар йили ўтказишни режалаштираяпмиз.

Таниқли спортчи Комроншоҳи Устопириённинг икки йил муддатга мамлакатимизда ўтказиладиган миллий кураш мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилингани масаласида тўхталган А.Абдуллозода шундай деди:

- Бу - ишчи гуруҳнинг қарори. Масаланинг барча томонлари Комроншоҳи Устопириённинг ўзи ва мураббийси иштирокида видеоёзувчининг ҳар бир дақиқаси синчковлик билан томоша қилиниб, кўриб чиқилди. Хулоса шундай бўлдики, ҳакам спортчига нисбатан ноҳақликка йўл қўймаган.

Унинг фикрича, ҳар бир миллат учун ахлоқ биринчи ўринда туради. Ва бугунги кунда спортчи давлат ва миллатни халқаро миқёсида танитадиган шахсдир. Унинг юксак даражадаги спорт маҳорати бўлиши билан бирга, фуқаролик масъулияти ва намунавий одоби ҳам бўлиши шарт.

*Зуҳриддин УМАРОВ,*
*«Халқ овози».*

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

2017 йилнинг 21 июлида «Тожикагролизинг» давлат унитар корхонаси, қўшни Ўзбекистон Республикасининг «Ўзагротехсаноатхолдинг», «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникалари корхонаси» ва «Чирчиқселмаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятлари билан қишлоқ хўжалиги техника ва жиҳозларини сотиб олиш мақсадида 945 минг АҚШ доллари миқдоридаги шартномаларни имзолади.

-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникалари бизнинг табиий иқлимимизга мослиги ва деҳқонларимизга азалдан танишлиги сабабли, бу шартномаларимиз келгусида қишлоқ хўжалиги соҳасини янада тараққий эттириш учун муҳим ҳужжатдир, -деди «Тожикагролизинг» давлат унитар корхонаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ботир Мўминов матбуот конференциясида.

Ушбу шартнома асосида мамлакатимизга 8та пахта териш машинаси келтирилиши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Корхона шунингдек, Беларуснинг трактор заводи, «Мадад» давлат корхонаси, «Мадади Турсунзода» очиқ ҳиссадорлик жамияти ва «Агротехсервис» жамиятлари билан ҳам яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Конференция корхона директори ўринбосарлари Ботир Мўминов, Авлиёқул Авезов ва журналистлар ўртасида муҳим мавзулар юзасидан савол-жавоблар асосида ўтди. -Кичик фермер хўжаликларини техника билан таъминлашда корхона қандай имтиёзлар бериши мумкин?

-Бизнинг корхонамиздан қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олувчи фермерлар 18 фоизлик техникавий солиқлардан озод этилишади, техникалар турига қараб 5 - 6 йиллик муддат билан қарзга берилади, энг асосийси, техникалар завод нархларида - қўшимча тўловларсиз сотилади.

-Корхона ташаббуси билан



Ҳисор ноҳиясида Беларуснинг МТЗ заводи техникаларини йиғувчи завод қурилиши режалаштирилган эди. Шу ҳақида батафсил маълумот берсангиз…

-Ҳақиқатдан ҳам, 2016 йил ҳукуматлараро келишув асосида Беларуснинг МТЗ заводи техникаларини йиғувчи корхона қурилиши Ҳисор ноҳиясида бошланган. Шу йилнинг сентябр ойи охирида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Заводда «Беларус» тамғали қишлоқ хўжалиги техникаларининг 6 хили йиғилади ва «Тожикагролизинг» корхонаси орқали мамлакатимиз хўжаликларига тақдим этилади.

-Корхона раҳбарияти қишлоқ хўжалиги техника ва жиҳозларини мамлакатимизга келтириш учун чет эл сармояларини жалб қилишда қандай амалий ишларни бажармоқда?

-Корхона ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида Япониянинг (JICR) агентлиги, Саудия Арабистони фонди, Қувайт Ислом тараққиёти банки ва Германиянинг «Агролис» ширкатлари билан биргаликда лойиҳалар ишлаб чиқиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тараққиётига кенг йўл очмоқда.

Корхона фаолиятининг ҳисобот даврида амалга оширган муҳим вазифаларидан яна бири, юртимизда бу йилги ғалла ўриш мавсумини ортиқча талофатсиз ўтказиш мақсадида, Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган «Нива-Эффект» тамғали янги типдаги комбайндан 25та сотиб олиб, мамлакатимиз ноҳияларига шартнома асосида тақсимлаб берди.

«Тожикагролизинг» давлат корхонаси қишлоқ хўжалиги техникаларини ўз вақтида сифатли таъмирдан чиқариш мақсадида республикамизнинг шаҳар ва ноҳияларида 55та техник хизмат кўрсатиш сервисларини очиб, техника учун зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаган.

Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг қарор ва топшириқлари асосида «Тожикагролизинг» давлат унитар корхонаси келажакда, қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш учун, муҳим стратегик вазифаларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

*Ҳайтали БОЕВ,*
*«Халқ овози».*

*У. УСМОНЗОДА:*

# - ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТАЯПТИ

- 2017 йилнинг биринчи ярмида нефт қазиб олиш ҳажми 11 минг 742 тоннани ташкил этди. Бу эса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 762 тоннага кам дегани, - деди Тожикистон Республикаси Энергетика ва сув захиралари вазири Усмонали Усмонзода вазирликнинг жорий йил олти ойлик фаолияти якунларига бағишланган матбуот конференциясида. – Газ қазиб олиш ишлари эса, 879,7 минг метр куб ҳажмида бажарилди. Бу йўналишда ҳам ишлар ўтган йилдагидек бўлмади ҳамда 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 543,8 минг метр куб газ кам қазиб олинди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бир неча йил олдин хорижий ширкатлар келиб, Тожикистонда нефт-газ қидириш ишларини бошлаб юборганлиги борасида хабарлар тарқалган эди. Ўшанда баъзилар биз ҳам бир неча йилдан сўнг ўз нефт-газимиз билан таъминланамиз, деганди. Лекин мана йиллар ўтиши билан бу масала анча оқсаб қолди. Шу ўринда журналистларнинг дастлабки саволларидан бири ҳам мазкур масала юзасидан бўлди: -Айни пайтда Тожикистонда нефт-газ қидириш, бу ишларга хорижий сармоядорларни жалб этиш қандай вазиятда турибди?

- Нефт-газ соҳасидаги қидириш ишлари ва сармоялаштириш масалалари давом этаяпти. Ҳақиқатдан ҳам, биз «Сариқамиш» мавзесидаги ишчи гуруҳининг ишларидан катта умид қилгандик. Чунки биз ҳам саноат даражасида нефт қазиб олишни йўлга қўйиш ниятида эдик. Зеро, Тожикистонда биринчи марта кенг миқёсдаги нефт қидириш ишлари олиб борилганди. Улар 6500 метр чуқурликкача бурғулашди. Бироқ иш натижалари шуни кўрсатдики, у ерда етарлича нефт-газ манбалари мавжуд эмас экан. Шунинг учун ҳам, бу ердаги ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келинди. Шундай бўлса-да, Тожикистоннинг бошқа минтақаларида бундай ишлар давом эттирилмоқда. Ва биз келажакда нефт-газ соҳасида хорижий сармоядорларни жалб этган ҳолда, ишларни тезлаштиришни мақсад қилганмиз,- деди Тожикистон Республикаси Энергетика ва сув захиралари вазири Усмонали



Усмонзода.

Энергетика соҳасида кўпчиликни қизиқтирадиган масалалардан бири, албатта, бу йилги қиш қандай бўлишидир. Бу йил ҳам аҳолига электр энергиясини бериш ҳолати яхши бўладими? Энергетика ва сув захиралари вазирлигининг матбуот конференциясида ҳам бу савол ўртага ташланди. Бу борада эса, Усмонали Усмонзода шундай деди:

- Албатта, ўтган йилги қиш мавсуми олдингиларига қараганда, анча яхши бўлди. Чунки электр энергиясига қўйилган чеклов январ ойи бошидан олиб ташланди. Бу йилнинг дастлабки олти ойи бадалида барча манбалар ҳисобидан 9 миллиард 141,9 миллион киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилган. Бу йил ҳам Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг топшириғи асосида барча имкониятларимизни ишга солган ҳолда, 2017-2018 йиллардаги қиш фаслида аҳолини кўпроқ электр энергияси билан таъминлашни режалаштирганмиз. Агар факт-рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йили биз октябр ойида «Душанбе-2» иссиқлик-энергия марказининг биринчи агрегатини ишга туширдик. Унинг иккинчи агрегати мамлакат Президенти иштирокида декабр ойида иш бошлади. Яъни биз 300 мегаватт/соат қўшимча электр энергияси билан таъминландик. Душанбе шаҳри аҳолисини октябр ойи охирлари ёки ноябр ойи бошларидан иссиқлик билан тўлиқ таъминлашимиз мумкин. Бундан ташқари, мамлакатнинг бошқа минтақаларини ҳам қиш фаслида электр энергияси билан таъминлаш мақсадида барча имкониятларимизни ишга солганмиз.

Матбуот конференциясида, шунингдек, CASA-1000 лойиҳаси, қўшни Ўзбекистон Республикаси билан энергетика соҳасидаги ҳамкорликлар ва бошқа долзарб масалалар юзасидан қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

*Зуҳриддин УМАРОВ, «Халқ овози».*



**Матбуот конференциялари**

# ПАХТА МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ



Тожикистон Республикаси Ер бошқаруви ва геодезия давлат комитетининг ярим йиллик ҳисоботида келтиришича, жорий йилнинг биринчи ярмида ташландиқ ерлар ҳисобидан ўзлаштирилган 3 минг 463 гектар ердан 3 минг 407 гектар суғориладиган майдонга пахта экиш режалаштирилган. Бу ҳақда комитет раиси Ражаббой Аҳмадзода маълум қилди. Маълумотга кўра, 2017 йилнинг 21 июнигача республикамизнинг шаҳар ва ноҳияларида 173 минг 979 гектар ерга пахта экилиб, бу кўрсаткич режада кўрсатилганидан 241 гектар кўпдир.

Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг 2016 йил 25 ноябрда қабул қилинган 13-қарори ижроси юзасидан мамлакат шаҳар ва ноҳияларидаги Ер бошқаруви идораларида ўтказилган инвентаризациялар натижаларига кўра, 2017 йилнинг 1 июнигача 2 минг 558 гектар ерга, жумладан, 240 гектар суғориладиган ерларга боғ ва токзорлар бунёд этилди. Барпо этилган боғ ва токзорлар билан бирга биринчи ярим йилликда 6 минг 21 гектар, жумладан, 3 минг 647 гектар суғориладиган ер Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳисобига ўтказилган.

Комитет ташаббуси билан маҳаллий ҳокимиятлар ҳамкорлигида биринчи ярим йиллик давомида ташландиқ ва бошқа ерлар ҳисобидан 3 минг 463 гектар ер, жумладан, 3 минг 407 гектар суғориладиган ер ўзлаштирилди.

Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг 2010 йил 11 ноябрдаги 603-қарорига асосан 2010 йилдан 2017 йилгача шаҳар ва ноҳияларда 29 минг 668 гектар ер эҳтиёжманд оилаларга турар жой учун ажратилган.

Тожикистон Ҳукуматининг «Деҳқон хўжаликлари (фермер)лик фаолияти ҳақида»ги қонуни асосида 2017 йилнинг 1 июнигача республика бўйича қўшимча 3 минг 601та деҳқон хўжаликлари ташкил қилинди.

Тожикистон Республикаси Олий иқтисодий суди томонидан фуқаролардан тушган даъво аризалари кўриб чиқилиб, давлат бюджетига 41 миллион 680 минг 882 сомоний фойда келтирилди.

Ярим йиллик давомида «Тожикзаминсоз» жамияти билан ҳамкорликда 596 минг 295 сомонийлик ер ҳолатини яхшилаш ишлари амалга оширилди.

Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг 2017 йил 22 февралдаги 9-фармони ижроси мақсадида «Душанбе шаҳрини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш» ишлари, жумладан, спорт майдончалари 70дан ортиқ болалар ўйин майдончалари қурилиб, ишга туширилди.

Тожикистон Республикаси Ер бошқаруви ва геодезия комитети турли хайрия ишларини амалга ошириб, ногиронларга, камтаъминланган оилаларга ва интернат-мактабларга моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

*Ҳайтали БОЕВ, «Халқ овози».*

*Фаррух ҲАМРАЛИЗОДА:*

# - Камчиликка йўл қўйганлар вазифасидан озод қилинди

-Тожикистон Республикаси Ҳисоб палатаси 2017 йил ярим йиллигида вазирлигу идоралар, давлат хўжалик субъектлари, инвестиция лойиҳаларини амалга оширувчи гуруҳ ва марказлар, банк ва бошқа бюджет муассасаларида 214та аудит текширувлар ўтказиб, 75,7 миллион сомонийлик молиявий зарарни аниқлади, - деб хабар берди Тожикистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси Фаррух Ҳамрализода.

Унинг таъкидлашича, молиявий зарар умумий ҳисобидан йўқолган пул ва моллар 16,4 миллион, кам ҳисобланган ва солиқ билан ёпилган маблағлар 39,3 миллион, пулларнинг ноқонуний харажатлари 5,8 миллион, ўзлаштирилган пуллар 2,6 миллион, таъмирлаш ва қурилиш ишларидаги қўшиб ёзишлар 11,6 миллион сомонийни ташкил этган.

Шунингдек, аудит текширувларда 57,8 миллион сомоний миқдорида давлат мулкларидан нотўғри ҳамда самарасиз фойдаланилганлиги ва бюджет маблағларидан эса, 40,9 миллион сомоний камомад аниқланган.

Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида Хатлон вилояти, вилоятнинг Мир Саид Али Ҳамадоний ноҳияси, Файзобод, Суғд вилоятининг Айний ва Тоғли Бадахшон мухтор вилоятининг Шуғнон ноҳияларида тўлиқ текширувлар ўтказилиб, 126та бюджет муассасаси ва ташкилотлар кўриб чиқилди. Натижада 6,8 миллион сомонийга тенг молиявий зарар аниқланди. Зарур чоралар кўрилганидан сўнг, молиявий зарарларнинг 5,9 миллион сомонийси ёки 86 фоизи тикланди.

- Ҳисоб палатаси 2017 йилнинг биринчи ярмида молиявий камчилик ва етишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида текширилган вазирлик, идора ва муассасаларга ўз тавсияларини юбориб, унинг натижасида палата 69та фармон ва қарорлар қабул қилиб, камчиликларга йўл қўйган 153 нафар ҳисобот берувчи масъул кишилар маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, 6 нафар эса, вазифасидан озод қилинди,-деди Фаррух Ҳамрализода.

Тожикистон Республикаси Ҳисоб палатаси текширув натижаларининг шаффофлиги ҳамда ҳақиқийлигини таъминлаш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва ноқонуний амалларнинг олдини олиш мақсадида зарур чора-тадбирларни кўриб келмоқда.

*Садоқат АБДУРАЗОҚОВА, "Халқ овози".*

*Неъматулло ҲИКМАТУЛЛОЗОДА:* =================

# - ТОЖИКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН АЙЛАНМА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ ТИКЛАНДИ

Тожикистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазирлиги ярим йиллик ҳисоботи даврида Тожикистон Ҳукумати, вазирликлар ички ва ташқи корхоналардан келган 7 минг 586та ҳужжат кўриб чиқилган ва тегишли идораларга тавсиялар берилган. Вазирлик раҳбари Неъматулло Ҳикматуллозоданинг таъкидлашича, ҳисобот даврида 31та ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари Тожикистон Ҳукумати ва Олий Мажлис муҳокамасига тавсия қилинган.



"2018-2020 йилларда Тожикистон Республикасининг макроиқтисодиётидаги асосий кўрсаткичлар дастури тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг 86-фармонига биноан ишлаб чиқилди ва тегишли идораларга жўнатилди.

Неъматулло Ҳикматуллозоданинг қайд қилишича, жорий йилнинг биринчи ярмида Россия Федерацияси, Туркманистон, Туркия, Қозоғистон, Япония, Корея, Арманистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Беларус ва Ўзбекистон давлатлари ҳамкорлик комиссияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Ҳисобот даврида мамлакатимизда иқтисодий ўсиш, асосан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳисобига тўғри келиб, мол ишлаб чиқариш 41,1, хизмат кўрсатиш 46,5 ва солиқ тўлаш 12,1 фоизни ташкил этган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши 8552,4 миллион сомонийдан иборат бўлган. Шу ўринда қайд этиш жоизки, электр энергияси ишлаб чиқариш ўтган йил шу давридагига нисбатан 105,6 фоизга ўсган.

Бу давр мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги корхоналари ва деҳқон хўжаликларида 173 минг 979 гектарга пахта экилган.

2017 йилнинг январ-июн ойларида ғалла етиштириш 624,3, сабзавот 576, полиз экинлари 171,2, мева 77,3 минг тоннага етказилди. Комитет бу даврда давлат сармояларини ўтказиш бўйича 9та лойиҳа имзоладики, бу 379,5 миллион АҚШ долларига тенгдир.

Ташқи айланма савдо 56,6 фоиздан иборат бўлиб, Тожикистон Республикаси Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Эрон, Туркия, Туркманистон қаторида Ўзбекистон республикаси билан ҳам кўпгина соҳаларда шартномалар имзоланди.

Ярим йиллик кўрсаткичларига биноан ташқаридан келтирилган барча маҳсулотлар 458,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ўтган йил шу даврига нисбатан 4,4 фоиз кўпни ташкил этади. Ташқи сармоячилар, асосан, Россия Федерацияси (34,8 фоиз), Қозоғистон (19 фоиз), Хитой (18,3 фоиз) Туркия (3,9 фоиз) Эрон (2,5 фоиз)дан иборат.

2017 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджети 99,5 фоиз ижро этилиб, ички маҳсулотлар миқдори 9292,6 миллион сомонийга етказилди.

*Ҳайтали БОЕВ, "Халқ овози".*

# ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Республикамиздаги нуфузли банклардан бири ҳисобланган, Тожикистон Республикаси «Амонатбанк» - Давлат банкининг 2017 йил биринчи ярмидаги иш фаолияти тўғрисида банк раиси Руҳулло Ҳакимзода ахборот берди.

Банкнинг 551та хизмат кўрсатиш маркази, шунингдек, 75та филиали мамлакатимиз турли минтақаларида фаолият кўрсатиб келаётганлиги ҳақида тўхталди.



Амонатбанк Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасининг 2017 йилги бюджети ҳақида»ги қонуни асосида фаолият юритиб, 2017 йилнинг 30 июнигача 334,3 миллион сомонийлик молиявий амалиётларни ижро этган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14 фоизга ўсган.

Ҳисобот даврида банк солиқ идоралари ҳисобидан бюджетга 23 миллион сомоний ўтказгани ҳақида маълумот берилиб, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 14 фоиз кўпдир. Банкда молиявий шаффофликни таъминлаш мақсадида, шунингдек, нақд пул муомаласини юксалтириш учун 255та савдо терминалларини мамлакатимизнинг шаҳар ва ноҳияларига ўрнатди.

Амонатбанк раиси Руҳулло Ҳакимзоданинг қайд қилишича, аҳолидан электр энергияси, сув ва бошқа хизматлар ҳақи учун маблағ қабул қилишни йўлга қўйиб, маблағлар ўз вақтида тегишли идоралар ҳисобига ўтказилгани ҳақида айтиб ўтди.

Амонатбанк ташқи сармоячилар ҳамкорлигида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қўшиб, йил бошидан бери 23та шаҳар ва ноҳияларда 50дан ортиқ лойиҳаларга сармоя ўтказган.

Тожикистон Ҳукумати қарорига асосан банк мамлакатимиздаги ёш ўқитувчиларга 839 минг сомонийлик кичик қарзлар бергани маълум қилинди.

Журналистларнинг Ёшлар йилида банк мамлакатимиз ёшлари учун қандай амалий чора-тадбирлар кўраётгани тўғрисидаги саволга қуйидагича жавоб берилди: -Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида, давлатимиз шаҳар ва ноҳияларидан танлов асосида 65 нафар ёш мутахассислар доимий иш билан таъминланди.

Ҳисобот даврида пластик карталар билан муомала қилувчи мижозларининг кўпайганлиги сабабли, мамлакатимиз минтақаларида 222та банкомат ва 1030дан ортиқ постерминал хизмати йўлга қўйилган.

Амонатбанк шу кунгача 14та хорижий банклар билан алоқалар ўрнатган бўлиб, турли хил молиявий амалиётларни халқимизнинг иқтисодий манфаати йўлида амалга ошириб келмоқда.

2017 йилнинг 30 июнигача 655 минг нафар нафақахўрларнинг 183,8 миллион сомонийлик нафақаларини ўз вақтида етказиб бериш хизматини адо этган.

Ярим йиллик фаолият даврида банк раҳбарияти турли хил семинар ва машғулотлар ташкил этиб, ходимларининг 48 нафарини Душанбе шаҳрида ва 7 нафарини чет давлатларда тажриба ўрганиб, касбий малакаларини оширишга жалб этган.

Амонатбанк Тожикистон Республикаси Президентининг 2014 йил 10 февралидаги 159-фармонига асосан Рўдакий ноҳиясидаги 1-мактаб-интернатга ҳомийлик қилиб келмоқда. Жумладан, Наврўз, Миллий бирлик ва тотувликнинг 20 йиллиги тантаналари арафасида талаба ва ўқитувчилар учун байрам дастурхони ташкил этди.

Амонатбанк Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг топшириқ ва кўрсатмалари, шунингдек, Тожикистон Ҳукумати қарорлари асосида республиканинг иқтисодий равнақи учун халқ ва давлатга фидокорона хизмат қилиш асосий мақсади эканлигини таъкидлади.

*Ҳайтали БОЕВ. «Халқ овози».*

# МАҚСАДИМИЗ - ЁШ СОҲИБКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Тожикистон Республикаси Сармоядорлик ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети раиси Қаҳҳорзода Файзиддин Саттор 2017 йилнинг биринчи ярмида комитет фаолияти ҳақида ахборот бериб, Тожикистон Республикаси Ҳукумати, Тожикистон Республикаси Президенти ижроия аппаратининг қарор ва топшириқлари асосида мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий тараққиётини таъминлаш мақсадида, ташқи ва ички сармоядорликни, шунингдек, давлат мол-мулкидан мақсадли фойдаланиш аҳамияти, тадбиркору соҳибкорларни қўллаб-қувватлашга бағишланганлиги ҳақида тўхталди.



Комитет ўз ваколатлари доирасида 2та қонун, 12та қарор ва 9та фармонлар лойиҳалари устида иш олиб бормоқда.

Комитетнинг асосий вазифаларидан бири бу - давлат сармоялари лойиҳаларини ҳаётга татбиқ қилишдан иборат бўлиб, ҳисобот даврида 62та, жумладан, 23та грант, 12та қарз бериш ва 27та маблағ ўтказиш гранти лойиҳаларини ишлаб чиқди. Бу 2,68 миллион АҚШ доллари миқдоридаги умумий маблағнинг 50,3 фоизи демакдир.

Комитетнинг янги шартномалари доирасида давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион, энергетика соҳасида 246 миллион, транспорт соҳасида 65 миллион, маориф соҳасида 35 миллион долларлик маблағлар ўзлаштирилди.

Ҳисобот даврининг дастлабки 3 ойида ташқи сармоялар киритиш 131,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Асосий ташқи сармоячилар Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Саудия Арабистони ва Буюк Британия ҳисобланади.

Давлат мулкини хусусийлаштириш юзасидан комитет корхоналар билан 14,3 миллион сомонийлик шартномаларни имзолади. 2014-2017 йилларда Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг 2013 йил 5 декабрдаги 557-қарорига асосан давлат мол-мулкини хусусийлаштириш дастури ижроси сифатида жорий йилнинг биринчи ярмида 52та корхона очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Шундан 13таси очиқ ҳиссадорлик жамияти сифатида сотилди.

-Энг муҳим стратегик корхоналардан қайсилари хусусийлаштириш жараёнида турибди?

-Айни кунларда Душанбе цемент ишлаб чиқариш заводи ва Хожа обигарм санаторийси хусусийлаштириш жараёнида, яъни шартнома ҳужжатлари мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Комитет 2017 йилнинг 1 мартидан махсус ишчи гуруҳ ташкил этиб, сармоячиликнинг энг муҳим лойиҳаларини ўргангач, Тожикистон Республикаси Ҳукуматига тавсия қилиш ишларини олиб бормоқда.

*Ҳайтали БОЕВ, "Халқ овози".*

# НАРКОТИКЛАР НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ КАМАЙДИ

Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Наркотикларни назорат қилиш агентлигининг ҳисоботига кўра, 2017 йилнинг биринчи ярмида наркотик моддаларни ноқонуний тарқатиш ва истеъмол қилиш бўйича 84та жиноят қайд қилинган. Ҳисобот даврида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан 2 тонна 365 килограмм наркотик моддалар мусодара қилинган, Ички ишлар вазирлиги томонидан 964 килограмм 616 грамм, Божхона хизмати ходимлари томонидан 20 килограмм 109 грамм, Чегара қўшинлари томонидан 144 килограмм 748 грамм наркотик модда мусодара қилинган бўлиб, бу 40,8 фоизни ташкил этади. Шунингдек, Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат молиявий назорати ва коррупцияга қарши кураш агентлиги томонидан 70 килограмм 69 грамм наркотик модда мусодара қилинди.

Агентлик ярим йиллик фаолиятида наркотик моддаларни ноқонуний тарқатиш бўйича 197та жиноятни ошкор этган, бу ўтган йил шу давридагига нисбатан 69 ҳолат ёки 54 фоиз ортиқ, демак.

Наркотик моддаларни ноқонуний тарқатиш юзасидан 113та ҳодиса маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида ошкор қилингани ҳақида ҳисобот берилганлиги, кўпгина журналистларни қизиқтирган саволга, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида тўлақонли ахборот бериш таклифи пайдо бўлди.

Агентлик мутахассиси бу таклифга қуйидагича шарҳ



берди: -Агар қўлга олинган наркотик моддаси 0,5 граммдан кам миқдорни ташкил этса, маъмурий ҳуқуқбузарлик жинояти сифатида жавобгарликка тортилади.

Агентлик минтақада наркотик моддаларни тарқатишнинг олдини олиш бўйича қўшни давлатларнинг тегишли органлари билан мустаҳкам алоқада эканлигини қайд этиб, жорий йилнинг 8 июнида Беларус Республикасининг Минск шаҳрида мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилишида масалалар атрофлича ҳал этилган. Шунингдек, ҳисобот даврида тегишли кучлар билан ҳамкорликда 6та амалий машғулот ўтказилиб, 109 килограмм 357 грамм наркотик модда қўлга олинди ва мусодара қилинган.

Агентликнинг марказий ва вилоятлардаги бошқармалари билан ҳамкорликда сўнгги 6 ой мобайнида 1 тонна 691 килограмм наркотик модда куйдирилиб, йўқ қилинган.

Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг маълумотига кўра, 7102 нафар киши гиёҳванд сифатида қайдга олинган. Шундан 184 нафарини аёллар ташкил этади. 7102 нафар гиёҳванддан 341 нафарни қайдга олиш бевосита ҳисобот даврига тўғри келади.

Гиёҳвандликка қарши кураш чора-тадбирлари доирасида агентлик 24та жиноятчи гуруҳ фаолиятининг олдини олиб, 61 нафар фуқаро жиноий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, агентлик жиноятчиларнинг 517 минг 402 сомоний маблағ баробаридаги мол-мулкини мусодара қилди.

Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Наркотикларни назорат қилиш агентлигининг биринчи ўринбосари Самад Зафар журналистларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб берди.

*Ҳайтали БОЕВ, «Халқ овози».*

## 18 август – Тиб ходимлари касбий байрами

# ЭЗГУЛИКНИНГ БОҚИЙ УМРИ

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари Шаҳритуз ноҳияси, «Искра» колхозининг Пахтаобод қишлоғи бригадири Фозил саркорнинг уйи тўйхонага айланди. Ҳа, тўнғич фарзанднинг дунёга келиши, нафақат, Фозил ака хонадонида, балки бутун маҳаллада шодиёнага айланиб кетганди, ўшанда. Барча уни олқишлар, тўнғич фарзанд билан муборакбод этарди.



Фарзандга боболаридай илмли, зиёли бўлсин, деган ниятда Бобоқул, деб ном қўйишди. Фозил ака ҳам олийгоҳда ўқиб, агрономлик касбини эгаллади. Умрининг охиригача элу юрт хизматида бўлиб, халқнинг ҳақиқий ҳурмат-эътиборини қозонди. Ўн бир фарзандни оқ ювиб, оқ тараган Фозил агроном жўжабирдай жон бўлишига қарамай, ҳамиша фарзандларининг илмли, халқ ва Ватан хизматига камарбаста бўлиши учун саъй-ҳаракат қиларди. Шу боис, болаларининг бари олий ўқув юртларида таълим олди, ўзларига яраша касбу кор, ҳунар эгалари бўлиб етишишди.

Фозил бобо оққўнгил, халқпарвар инсон эди. Аммо биз бугун у кишининг тўнғич ўғли Бобоқул ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. У ҳам барча болалар каби 7 ёшдан мактабга қадам қўйди, ўн йил давомида ўрта мактаб дастурини ўзлаштирди. Камолот шаҳодатномасини қўлга олгач, отаси Фозил бобо сўраб қолди:

- Ўғлим, энди нима қилмоқчисан?

- Душанбега, тиббиёт олийгоҳига бориб ўқисам, деб ният қилгандим,-жавоб берди ўғил.

- Баракалла, Худо оқ йўл берсин, дўхтирларнинг оқ кийимидай кўнглинг, ҳаёт йўлинг, ниятинг ҳамиша ойдин бўлсин болам, ҳамиша халқ хизматида бўл,- отанинг қўллари беихтиёр дуога кўтарилиб, юзига суртилди,- Худо йўлингни берсин…

Бу воқеа 1966 йили юз берганди. Бобоқул тиббиёт олийгоҳи студенти, деган шарафга эришиб, ёруғ юз билан она-юртига қайтди. Фозил бобо хонадонида яна тўй бўлиб кетди…

Ўтган асрнинг 80-йиллари бошида умумий даволаш факультетини тамомлаган ёш врач Бобоқул Фозилович, бир йил ординатурадан сўнг, ўзи туғилиб ўсган «Искра» колхози (ҳозирги Пахтаобод қишлоқ жамоати) шифохонасида иш бошлади. Ва фаолиятининг илк кунлариданоқ иқтидорли шифокор эканлиги кўзга ташланди. Шу йўсин каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиб, эл саломатлиги йўлида 41 йиллик умри азизини бағишлади. Шундан 21 йилида Пахтаобод қишлоқ жамоати касалхонасида бош врач сифатида фаолият юритди. Шифокор даволаган кишиларнинг миннатдорчилик билан билдирган дил сўзларини ёзар бўлсак, том-том китобга айланиши муқаррар.



Бобоқул Фозилов ўз ўрнида турмуш ўртоғи Бибихол опа билан 5 қиз, 2 ўғилни тарбиялаб, вояга етказишди. Ўғиллари Жўрабек билан Усмон гарчи бошқа касб этагини тутишган бўлсалар-да, қизларидан уч нафари - Малика, Шарофат, Ферузахонлар ота изидан боришиб, бугунги кунда халққа хизмат қилиб келмоқдалар. Саодатхон эса, уй бекаси бўлса-да, бобоси Фозил агроном каби деҳқончилик сирларини яхши билади, уй-рўзғор ишларида турмуш ўртоғига астойдил ёрдам бериб келади. Бобоқул аканинг кенжа қизи Севара ҳам қайсидир маънода отасига издош. Чунки у ўрта мактабда болаларга ўргатаётган фан – биология медицинанинг асосларидан бири саналади-да, ахир.

2014 йили 64 ёшида дунёи фонийни тарк этган Бобоқул Фозилович ўзидан эзгу ном қолдириб кетди. У ишлаган жамоа, хизмат кўрсатган хонадонлар, борингки, улкан қишлоқ аҳли дўхтирнинг номини алоҳида эҳтиром билан тилга олади. Бугунги кунда у кишининг Холиёр Назаров, Жовли Қулатов, Қурбонали Тангиров, Саломат Жумаева каби шогирдлари Пахтаобод қишлоғидаги 3-саломатлик марказида устозлари ишларини давом эттирмоқдалар. Чорбоғлик Эркин Дўстматов, «искра»лик Ражаб Шомуродов, Гулнора Мамадалиевалар ҳам Бобоқул аканинг содиқ шогирдлари сифатида эл саломатлигини тиклаш йўлида халқ дардига малҳам бўлмоқдалар.

Ўзининг ширин сўзи, хуш муомаласи билан эл қалбига йўл, дардига даво бағишлаган фидокор дўхтир Бобоқул Фозилов бир тиб ходими орзу қилган барча мукофоту унвонлар – Соғлиқни сақлаш аълочиси, қатор ордену медаллар, ифтихорномаларнинг барча-барчасига эришди. Умри азизини ҳақиқий Сино вориси каби ўтказган Бобоқул ака ҳаёт бўлганида, бу йил 67 баҳорни қаршилаган бўларди. Афсус, минглаб кишилар хотирасида ёрқин из қолдирган Бобоқул ака бугун орамизда йўқ. Аммо унинг умри давоми - хотираси фарзандлари, шогирдлари қалбида узоқ сақланади. Зотан, эзгуликнинг умри боқийдир…

*Абдулло САИДОВ, «Халқ овози».*

## Матбуот конференцияси

# ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Тожикистон Ҳукумати қошидаги Тил ва терминология комитетининг Тожикистон Республикаси Ҳукумати дастур ва қарорларини ҳаётга татбиқ қилишда 2017 йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишлари ҳақида комитет раиси Гавҳар Шарафзода муфассал ҳисобот берди.

Комитет Тожикистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятини текшириш тўғрисида»ги қонунининг ижроси юзасидан мамлакатимиз шаҳар ва ноҳиялар географик номларини ўзгартириш, соҳага оид терминларни ишлаб чиқиш, кўча ва хиёбонлардаги рекламаларнинг давлат тилига мувофиқлигини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширмоқда.

Комитет раисининг қайд қилишича, ҳисобот даврида Тожикистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонунининг 89-моддаси бўйича 30дан ортиқ қонунбузарликлар аниқланиб, маъмурий протоколлар тузилган ва 14 минг 400 сомонийлик жарима маблағи давлат бюджетига ўтказилган.

2016 йилнинг сўнгги олти ойида комитет томонидан (тилшунослик, тиббиёт, иқтисод ва компютер технологияси) терминларининг 16 минг 94та атамаси изоҳланган бўлса, жорий йилнинг дастлабки олти ойида бу кўрсаткич 21981тага етказилиб, спорт, қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликка оид терминлар ишлаб чиқилган.

Бу даврда 135дан ортиқ маҳалла номлари ўрганилиб, ишчи гуруҳига тавсия қилинган.

Комитетнинг ҳисобот даврида ижро этган муҳим вазифаларидан бири Тожикистон Республикасининг «2017-2032 йилларда давлат тилини такомиллаштириш тўғрисидаги миллий концепцияси лойиҳаси» Тожикистон Ҳукуматига тавсия қилинганидир.

Аксарият саволлар ноҳия, маҳалла ва кўчаларнинг номланишида такрор номларга йўл қўйилаётгани ҳақида бўлиб, комитетнинг мутасадди ходимлари, олимлар, тарихчилардан иборат махсус комиссияси тузилганлиги ва бу ишчи гуруҳи юқоридаги масала юзасидан амалий иш олиб бораётгани айтилди.

Комитет ўз фаолиятида олимлар, Тожикистон Фанлар академияси, олий ўқув юртлари ҳамда Тожикистон телерадиокомитети билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, «Варзиш» телеканали билан спорт соҳасига оид терминларни ишлаб чиқишда 50дан ортиқ сўзларнинг миллий шакли жорий этилди.

Комитет ташаббуси билан ўқитилиши рус тилида олиб бориладиган ўрта умумтаълим муассасаларининг 2, 3, 5, 7, 9 ва 10 синфлари учун «Забони давлати» дарсликларини жорий қилиш бўйича ўз тавсияларини Тожикистон Маориф ва илм вазирлигига юборган.

Комитет раиси, шунингдек, давлат тилининг мукаммал ва юксак маънавий кўзгумиз бўлишида вақтли матбуот ходимлари билан доимий ҳамкорлик қилишини таъкидлади.

*Ҳайтали БОЕВ, «Халқ овози».*

# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ – ДАВЛАТ БОЙЛИГИ

### Танишув:

***Бобоев Рустам Асқарович 1955 йили республикамизнинг Рўдакий ноҳиясида педагог оиласида таваллуд топган. Душанбедаги Абуали ибн Сино номли тиббиёт олийгоҳида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Хўжанд шаҳар касалхонасида бошлаган. Шундан сўнг, Жаббор Расулов ноҳиясидаги гишт заводи соғломлаштириш пункти врачи (1980-1982), ноҳия касалхонаси терапия бўлими ординатори (1982-1985), ноҳия соғломлаштириш маркази юрак хасталиклари бўлими мудири (1985-1997), марказий касалхона бош врачи ўринбосари (1997-2010), давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органи соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи (2010-2012), марказий касалхона юрак хасталиклари бўлими мудири (2012-2015) вазифаларида фаолият юритган.***

***2015 йил сентябр ойидан ноҳия марказий касалхонаси менежери (бош врачи) вазифасида ишлаб келмоқда.***



**Яқинда газетамизнинг Жаббор Расулов ноҳиясидаги жамоатчи мухбири Муслима Ўлмасзода Рустам Бобоев билан учрашиб, бир неча саволларига жавоб олди. Қуйида суҳбат мазмуни билан танишасиз.**

**- Рустам Асқарович, бир неча кундан сўнг, Тожикистон тиббиёт ходимлари байрами ва буюк олим, тиб илмининг даҳоси, аллома Абуали ибн Сино таваллуд топган кун кенг нишонланади. Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва ноҳия тиббиёт ходимларини касбий байрамларингиз билан чин қалбдан табриклайман. Сизларга халқ саломатлиги йўлидаги ишларингизда омадлар тилайман. Энди ноҳия тиб ходимлари қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида қисқача маълумот берсангиз.**

- Раҳмат. Ноҳия тиб ходимлари ўз касбий байрамларини яхши кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар. Биз ўз фаолиятимизни 2010-2020 йилларга мўлжалланган Тожикистон Республикаси аҳолиси саломатлигини таъминлаш миллий стратегияси ва “Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Тожикистон Республикаси қонуни ва бошқа соҳавий ҳужжатлар асосида амалга оширмоқдамиз. Кейинги йилларда ноҳиямизда тиб соҳаси ривожига эътибор ҳар қачонгидан ҳам ортди. Фақатгина жорий йилнинг олти ойи давомида ноҳия бюджетидан 2 миллион 228 минг сомонийдан ортиқ маблағ ажратилди. Бунинг натижасида янги замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармон воситалари харид қилиш имконияти яхшиланди. Оналар ва болалар, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, уларга тенглаштирилган шахслар ва камтаъминланган оилаларга хизмат кўрсатиш савияси ошди. Марказий ва минтақавий касалхоналар моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Болалар, юқумли касалликлар, туғруқхона ва қабул бўлимлари жорий таъмирдан чиқарилди. Ноҳия раиси Комил Салимзоданинг бевосита ёрдамида Ғўлакандоз касалхонаси биносининг томи тўла таъмирдан чиқарилди.



Бундан ташқари, яқинда “Дили кўдак” хайрия фонди томонидан марказий касалхонанинг жарроҳлик бўлимига 184 минг сомонийлик замонавий эндовидео жарроҳлик ускунаси бепул берилди. Бу ўз навбатида медицина хизматини тубдан яхшилаш имконини бераётир. Қардош Қирғизистоннинг Охунбобоев номли давлат тиббиёт академиясида ўз малакасини ошириб келган Жамолиддин Раҳимов раҳбарлигидаги бу бўлимда феврал ойидан бери 50дан ортиқ эндовидео жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди. Кези келганда, бўлимда 137 нафар беморнинг бепул даволанганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Болалар, ички, юқумли касалликлар ва бошқа бўлимлар фаолиятида ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Тиб ходимларининг 68,7 фоизини олий даражали, 25 фоизини эса, биринчи тоифали врачлар ташкил этади. Ҳамшираларнинг аксарияти ҳам олий даража эгаларидир. 2017 йил давомида 2 нафар юқумли ва юрак касалликлари мутахассислари, 9 нафар туғруқхона доялари, 33 нафар ҳамширалар бир ойлик малака ошириш курсларида ўқиб келдилар.

Ўз ўрнида Азимжон Шарипов, Нўмонжон Миров, Ойбек Қодиров, Шавкат Мирзоев, Афзал Сатторов, Ғиёсиддин Ҳабибов, Абдуғафур Валиев, Умиджон Бойболаев, Зокиржон Шарипов сингари врачлар ва кўп сонли ҳамшираларнинг самарали меҳнатини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ғўлакандоз, Ўзбекқишлоқ ва Тошпўлат Дадабоев номли минтақавий касалхоналар тиб ходимлари аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширдилар. Ноҳия тез тиббий ёрдам кўрсатиш ходимлари бир кунда 15 мартагача беморлар томонидан даъват этилиб турадилар.

Шу йилнинг 5 январ куни Суғд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси режасига асосан, “Донорлар куни” ўтказилди. Унда ноҳия марказий касалхонаси жамоаси ҳам фаол иштирок этди.

**- Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти, муҳтарам Эмомали Раҳмон ташаббуси билан 2017 йил - Ёшлар йили, деб эълон қилинди. Бу соҳада қандай ишлар амалга ошириляпти?**

- Ноҳиямизда бугун 17 ёшгача бўлган болалар сони 47 минг 13, 1 ёшгача бўлган болалар 3 минг 422 нафарни ташкил этади. Уларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш бизнинг доимий диққат эътиборимиздадир. Чунки ёшлар йили деганда, биз нафақат, ўтказилаётган турли хил маданий ва сиёсий тадбирлар, балки ёшларнинг, айниқса, ёш оналарнинг саломатлигини яхшилаш масалаларини ҳам ўйлашимиз лозим. Шундан келиб чиқиб, туғруқхона ва болалар бўлимлари фаолиятига алоҳида эътибор беряпмиз.

Жорий йилнинг олти ойи давомида туғруқхона бўлимида 1554 нафар аёл, болалар бўлимида 832 ва болалар жарроҳлик бўлимида 462 нафар бола тиббий муолажа олдилар. Бошқа бўлимларда муолажа олаётган ёшлар саломатлиги ҳам эътибордан четда қолмаяпти.

Ёш ходимларимиз ноҳия ва вилоят миқёсида Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилаётган барча тадбирларнинг фаол иштирокчиларидир. Бундан ташқари, жамоамиз аъзолари ноҳияда Истиқлолият байрами ва Тожикистон Олий Кенгаши тарихий XVI сессиясининг 25 йиллиги шарафига амалга оширилаётган ободончилик ишларига ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Касалхоналар атрофи гулзорларга айлантирилди. Эрта баҳорда ўтказилган мевали ва манзарали дарахтлар парвариши бир маромда олиб бориляпти. Ҳар ҳафта шанбаликлар ўтказилади. Тиббий муассасалар атрофи, кўча ва ариқлар тозаланади.

Жамоамиз аъзоларининг мақсади – Тожикистон Олий Кенгаши тарихий XVI сессиясининг 25 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишдир. Бу йўлда улар мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

**- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**



**<u>Суратларда:</u> 1. Жаббор Расулов ноҳияси Марказий касалхонаси менежери Рустам Бобоев (ўртада), жарроҳлик бўлими мудири Жамолиддин Раҳимов (чапда) ва бошқа врачлар беморларни кўрикдан ўтказишмоқда.**

**2. Жарроҳлик бўлими мудири Жамолиддин Раҳимов (чапда) раҳбарлигида эндовидео жарроҳлик амалиёти ўтказиляпти.**

# CMC

## СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ

Тел: 918-61-99-71

### ===== Мамлакатимизда =====

*Енгил атлетика*

### БОСҚОНЧИМИЗДАН ЕТТИНЧИ НАТИЖА

Буюк Британиянинг пойтахти Лондон шаҳрида ўтказилган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларида иштирок этган таниқли босқон ирғитувчи Дилшод Назаров еттинчи натижани кўрсатди.

Дунёнинг 12 нафар энг кучли босқон ирғитувчиси қаторида финал босқичига чиққан юртдошимиз снарядни 77,22 метрга улоқтирди.




Полшалик Павел Фаждек эса, босқонни 79,81 метрга ирғитиб, энг юқори кўрсаткичга эришди.

Россия Федерацияси намояндаси Валерий Пронкин кумуш медал соҳиби бўлди. Бронза медали эса, яна бир полшалик Войцех Новицкига насиб қилди.

Тожикистоннинг бошқа вакили - енгил атлетикачи Кристина Пронженко 400 метр масофани 1 дақиқа 03,44 секундда босиб ўтиб, 39 нафар спортчи орасида охирги ўринни эгаллади.

*Футбол*

### МИНТАҚАЛАРАРО ЯРИМ ФИНАЛ

Қитъа клублари ўртасидаги "Осиё футбол конфедерацияси кубоги-2017" турнирининг минтақалараро ярим финал учрашуви жорий йилнинг 22 августида Ҳисор шаҳридаги марказий стадионда ўтказилади.

Унда Тожикистоннинг амалдаги чемпиони "Истиқлол" ва Филиппиннинг "Церес" жамоалари ўзаро куч синашади.

Ғолиб жамоа навбатдаги - минтақалараро финал босқичида "Бенгалару" (Ҳиндистон) - "25 апрел" (Корея Халқ Демократик Республикаси) жуфтлигида ютиб чиққан клубга қарши майдонга тушади.

Финал учрашувини 2017 йилнинг 4 ноябрида ўтказиш назарда тутилган.

Агар "Истиқлол" жамоаси финал босқичига довур чиқиб борса, бош совринн тақдирини ҳал қилувчи ўйин Тожикистонда ташкиллаштирилиши мумкин.

### ====== Жаҳонда ======

*Теннис*

### ФЕДЕРЕРНИНГ КЕТМА-КЕТ ҒАЛАБАЛАРИ

Швейцариялик теннисчи Рожер Федерер фаолиятида 15та кетма-кет ғалабага эришиб, ўзига хос рекорд ўрнатди.

Дунёнинг учинчи ракеткаси Канаданинг Монреал шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирда испаниялик Роберто Баутиста-Агутни мағлуб этиб, рекорд кўрсаткичидаги зафарни қучди.

Рожер Федерер энг сўнгги мағлубиятига Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтказилган мусобақада майдон эгаси Томми Хаас томонидан учраган эди.

*Футбол*

### ЕВРОПА СУПЕРКУБОГИ - "РЕАЛ"ДА

Европа клублари ўртасидаги нуфузли турнирлар Чемпионлар ва Европа лигалари ғолиблари Испаниянинг "Реал" ҳамда Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клублари Европа суперкубогига эгалик қилиш учун "яшил майдон"га тушди.

Учрашувни кўтаринки руҳда фаоллик билан бошлаган Зайниддин Зидан шогирдлари ҳисобда иккита тўп фарқи билан олдинга чиқиб олишди.

Ўйиннинг иккинчи қисмида ўз ҳаракатлари сифатини анча яхшилаган "туманли албион" жамоаси аъзолари битта жавоб голи йўллашга муваффақ бўлишди. Шундан сўнг, матч охиригача ҳисобда ўзгариш бўлмади.

Шундай қилиб, "Реал" жамоаси ўз фаолиятида учинчи марта Европа суперкубоги эгасига айланди.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Испания суперкубоги учун ўтказилган илк учрашувда мадридликлар "Барселона" жамоасини 1:3 ҳисобида доғда қолдиришди.

***

Рим шаҳрида футбол бўйича Италия суперкубоги совриндорини аниқлаб берувчи учрашув бўлиб ўтди.

Унда суперкубокка даъвогар жамоалар Римнинг "Лацио" ва Турин шаҳрининг "Ювентус" клублари бир-бирига қарши тўп сурди.

Кескин кечган ўйин якунида 3:2 ҳисоби қайд этилиб, "Лацио" жамоаси суперкубокни қўлга киритди.

*Енгил атлетика*

### ЯМАЙКАЛИК ЖАРОҲАТ ОЛДИ

Лондон шаҳридаги "Олимпиада" стадионида енгил атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати дастуридан ўрин олган 4х400 эстафета масофасига югуришда "дунёнинг энг тез одами" лақабини олган ямайкалик Усейн Болт оёғидан жароҳат олди ва белгиланган маррагача югуриб боролмади.



Спринтернинг жароҳати, нафақат, ўзини, балки шерикларининг ҳам медалсиз қолишларига сабаб бўлди.

Усейн Болт мусобақалардан кейин, стадионда фахрий тарзда давра олиб югурди ва ўз фаолиятини якунлаганини расман маълум қилди.

*"Халқ овози"нинг спорт шарҳловчиси.*




**Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.**

## ДАВЛАТ ҚАЙД РАҚАМИНИ АЛМАШТИРИШ ҚАНЧА ТУРАДИ?

***САВОЛ:***

- Автомобил давлат қайд рақамларини алмаштириш учун қанча маблағ тўлаш лозим? Шу ҳақда кенгроқ маълумот берсангиз.

*Даврон САИДОВ, Восе ноҳияси.*

***ЖАВОБ:***

- Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобил назорати бошқармаси давлат қайд рақами намунаси (СТ ЖТ 1020-2013) Давлат стандарти талабларига жавоб бермайдиган қайд рақамини алмаштириш учун 420 сомоний маблағ тўлаш лозимлиги ҳақида расмий баёнот берди.

Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобил назорати бошқармасининг тарғибот бўлими бошлиғи Наргис Тўйчиеванинг айтишича, рақам алмаштириш автомобил эгалари учун 420 сомонийга тушади - 210 сомоний янги техпаспорт учун ва яна рақамнинг ўзи шунча маблағ туради. Унинг сўзларига кўра, мазкур нарх Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Монополияга қаршилик хизмати билан келишилган ҳолда белгиланган.

- Афсуски, айрим ҳайдовчилар "Бехатар шаҳар" тизимида йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун ўзларига белгиланган жарималарни ҳам рақам алмаштиришга қўшиб ҳисоблашмоқда. Бундай чалкашлик кўпчиликни ҳайрон қолдирмоқда.

Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати бошлиғи Умаржон Эмомали ҳайдовчиларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чорлайди.

- Барча рақам алмаштириш нуқталарида бу амалиётнинг қиймати ёзилган эълонлар ёпиштирилган, - деди Умаржон Эмомали. - Агар ҳайдовчидан белгиланган нархдан ортиқча маблағ талаб қилинса, вазирлик қошида амал қилаётган ишонч телефонларига қўнғироқ қилиш лозим. Мобил телефонлар учун ишонч телефони - **19-19**, стационар телефонлар учун эса - **221-21-21**. Биз, албатта, шикоятларни эътиборсиз қолдирмаймиз.

Автомобил давлат қайд рақамларини алмаштиришда катта навбат юзага келганлигини эътиборга олган республика Ички ишлар вазирлиги бу маъракани жорий йилнинг 1 декабригача узайтирди. Вазирликдан қайд қилишларича, аслида бу ҳақда 2014 йилда огоҳлантирилганди.

Автомобил давлат қайд рақамларини яшаш жойидаги маҳаллий Давлат автомобил назорати имтиҳон бўлимларида амалга ошириш мумкин.

***Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобил назорати бошқармасининг тарғибот бўлими.***

**ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН**

*ЭЪТИБОР НАДОРАНД*

Дипломи гумшудаи силсилаи МТ-1 №096893, ки онро коллеҷи омўзгории шаҳри Ҳисор ба Бутаева Мунавар Каримовна, бо ихтисоси муаллими синфҳои ибтидоӣ додааст, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Шаҳодатномаи гумшудаи №006102, РЯМ6530000025, ки онро 08.07.2009с. нозироти андози ноҳияи Шаҳристон ба Ҳаққулиев Абдуллобек Жўрабекович додааст, эътибор надорад.

***

Дипломи Г № 556590, ки онро омўзишгоҳи касбию техникии № 59-и шаҳри Турсунзода бо ихтисосо харрот 27 июни соли 1991 ба Абдиев Акбарали Хурамович додааст, бо сабаби гум шуданаш, эътибор надорад.

***

Сертификати замин № 0470711 ба номи Давлатов Амрулло дода шудааст, ноҳияи Ҷ. Балхӣ, бо сабаби гум шуданаш, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Шаҳодатномаи таҳсилоти миёнаи умумии асосӣ № 105277 (хатми синфи 9), ки онро соли 1992 МТМУ №10-и ноҳияи Шаҳринав ба Ишқобилова Матлуба Зоировна додааст, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Шаҳодатномаи гумшудаи силсилаи № 0224679 (хатми синфи 9), ки онро МТМУ №10-и ноҳияи Шаҳринав соли 2015 ба Жумаева Манижа Комиловна додааст, аз эътибор соқит дониста шавад.

*Рўзномаи «Халқ овози» ҳар гуна эълонҳоро бо нархҳои дастрасу арзон бо забонҳои ўзбекӣ, тоҷикӣ ва русӣ чоп мекунад. Барои ин шумо ба рақами телефони мазкур муроҷиат намуданатон лозим аст. Тел: 2-38-55-70*

**Дўстимиз, таниқли тадбиркор Абдуқаҳҳор Шодиевга отаси**

**ҚУРБОН ҲОЖИ БОБО**

**вафот этганлиги туфайли чуқур ҳамдардлик билдирамиз. Аллоҳ марҳумнинг қабрини иймон нурига тўлдирсин.**

*Бир гуруҳ дўстлари.*

**Бозор ва ҳаёт**

**Ўтган йилнинг июл ойида мамлакат бозорларида бир килограмм картошка нархи 1 сомоний 30 дирамни ташкил этарди, бироқ ҳозирда унинг нархи тўрт-тўрт ярим сомоний ёки уч бараварга кўтарилган.**

*Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Абдураҳмон Жомий ва Хуросон ноҳиялари раҳбарияти, фаоллари билан мулоқотда сўзлаган нутқидан.*

**9 август 2017 йил, Абдураҳмон Жомий ноҳияси.**

# ПИЁЗИМИЗ ЎТА АЧЧИҚ, КАРТОШКАМИЗ ЖУДАЯМ ҚИММАТ...



Ўтган ҳафта Восе ноҳиясида бўлганимизда, бизга деҳқонлар жорий йил пиёз экилган майдонларни кенгайтирганликлари ҳақида айтишди. Қурбоншаҳид қишлоғи Ҳулбук қалъаси ёнидаги бозорда бир килограмм пиёзнинг нархини сўрадик.

- Тўрт сомоний, - жавоб берди қопдаги пиёзлари ўртачадан кичик бўлган сотувчи.

- Пиёзларингизнинг майдаси жуда кўп экан-ку? – савол берамиз кўриниши деҳқонга унчалик ўхшамайдиган олибсотардан.

- Беш сомонийдан олсангиз, сизга ажратиб, катта-каттасини берган бўлардим.

Қопга боқамиз, унинг ичида ажратиладиган катта пиёз кўзга ташланмайди.

Сабзи сотувчи аёл маҳсулотини таърифлайди.

- Эрталаб ковлаб келганман, қаранг, роса паловбоп сабзи.

Сабзининг нархи билан қизиқамиз.

- Эрталабдан тўртдан сотаётгандим, меҳмонга ўхшайсизлар, сизларга 3,5 сомонийдан бераман.

Кўпроқ олишимизни айтиб, беш килограмм сабзини 3 сомонийдан сотиб олдик.

Бу ерда картошка 4,5 – 5 сомонийдан сотилаётган экан. Лекин маҳсулот унчалик сифатли, харидорбоп эмасди.

Қатор тележкаларда териб қўйилган тарвузга яқинлашамиз. Майда-майда, кўриниши кишида қизиқиш уйғотмайдиган тарвузлар.

- Келинг, - дейди ёшгина чаққон йигит. – Донасини икки сомонийдан сотаётгандим, кеч бўп қолди, 1,5 сомонийдан бераман.

Тарвузларни кўздан кечирамиз. Кўплари урилган. Тураверганидан ранги сарғайиб қолган.

Олти сомонийдан яхши тарвузларни харид қилдик.

Нарх-наволарни Душанбе шаҳри бозорлари билан солиштириб, шеригимга боқаман.

- Фақат гўштни бир оз арзон олдик, демасак, қолган маҳсулотлар нархи пойтахтдагидан унчалик фарқ қилмайди.

Дарҳақиқат, Восега боришда, Данғара ноҳиясининг Гулистон (собиқ Олимтой) қишлоғидан энди сўйилган, семизгина қўй гўштининг бир килограммини 31 смонийдан харид қилгандик. Воседа шундай гўштлар 2-3 сомоний қиммат сотилаётганди.

Қишлоқдаги маъракаларда ҳам суҳбат мавзуи қайта-қайта бозорлардаги нарх-навога бориб тақаларди. Айниқса, бозорларда картошканинг нархи баландлиги кўпларни ташвишга солганди.



- Илгарилари бозорлардаги нарх-наволар эталон қилиб ёнилғи – бензин нархи олинарди, - дейди суяги меҳнатда қотган ҳамқишлоғимиз Ҳайдар ака. – Кеча ўғлим билан машинамизга газ заправка қилдик. Ёнилғининг нархи бир ой илгаригидан 40 дирам ошганлиги сабабини суриштирсам, ёнилғи қуйиш нуқтасидаги йигит ажойиб жавоб қайтарди: - «Бир килограмм картошка беш сомоний бўлгандан сўнг, яна нима истайсиз?»

Ҳа, икки ой илгари – Рамазон ҳайити арафасида бозорларимиздаги нарх-наволарнинг ошиб кетаётганлиги ҳақида ёзгандик. Лекин муборак Қурбон ҳайити арафасида барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи яна 2-3 сомонийга ошганлиги кишини диққат қилади.

Душанбе шаҳри бозорларида айни пайтда айрим маҳсулотлар нархи қуйидагича эканлигига гувоҳ бўлдик:

- Картошканинг бир килограмми - 4,5 – 5 сомоний;
- Пиёз – 4,5 – 5 сомоний;
- Сабзи – 3- 3,5 сомоний;
- Шакар – 8 сомоний;
- Ўсимлик мойи – 5 литрлик идишдаги ёғ – 68-70 сомоний.

Йўл-йўлакай «Газпром» фирмасига тегишли автомобилларга ёнилғи қуйиш нуқтасида суюлтирилган газ нархи билан қизиқамиз: бир литр газ нархи – 3,5 сомоний.

Қишлоғимиздаги Ҳайдар аканинг гапи эсимизга тушади. «Картошка нархи бошқа маҳсулотлар учун эталон (ўлчов) бўлмадимикан?»

- Жорий йил олти ойида картошка етиштириш режаси тўлиқ бажарилди, - деганди яқинда Қишлоқ хўжалиги вазири Иззатулло Сатторий жорий йил олти ойи якунига бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида.

– Жорий йил мамлакатимиз хўжаликларида 22 минг 730 гектарга картошка экилганди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 339 гектар ортиқдир. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 11,3 минг тоннаси хорижга импорт қилинди.

Қишлоқ хўжалиги вазирининг сўзларига кўра, айни пайтда бир килограмм картошканинг таннархи 1 сомоний 50 дирамни ташкил этади.

Айрим деҳқонларнинг ақидасига кўра, бизда бозорни олдиндан кўра билиш, соғлом иқтисодий таҳлил мавжуд эмас.

- Ўтган йили кўпчилик деҳқонлар пиёз экишганлиги сабабли, бу маҳсулотнинг улгуржи нархи бозорларимизда бир сомонийдан ошмаганди, - деганди олти ойлик якунига бағишланган матбуот конференциясида Турсунзода шаҳри раиси Сижоуддин Саломзода. – Помидорнинг бир килограмм нархи эса, 5 сомонийдан тушмаганди. Ўтган йили тарвуз ҳам анча қиммат нархга сотилганди. Бу йил аксинча, тарвуз ва помидор кўп экилганлиги боис, бу маҳсулотларнинг нархи тушиб кетди.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирининг таъкидлашича, бозорларимизда картошка нархининг пасайишига умид боғламаслик керак. Зеро, деҳқонлар машаққатли меҳнатлари эвазига қулай имкониятдан фойдаланиб, уни арзон нархда сотишни кўзламаяптилар.

Халқ орасида эса, турли миш-мишлар ҳам йўқ эмас. Мамлакатимизда етиштирилган картошканинг бир қисми яширин йўллар билан қўшни мамлакатларга чиқарилаётганлиги тўғрисида ҳам гап-сўзлар юрибди.

Нима бўлишидан қатъий назар, дастурхонларимизнинг асосий маҳсулоти бўлмиш картошканинг жудаям қиммат эканлиги бошқа маҳсулотлар нархига таъсир этмай қолмайди.

Восе ноҳияси сафаридан қайтишимизда, акам бизга бирор қоп пиёз олиб кетишни маслаҳат берди.

- Пиёзкорлар маҳсулотини энди теряпти, ер бошида уни арзон сотсалар керак, - деди у киши. – Бирор қоп олиб кетсанг, яхши бўларди.

Ярим гектар майдонда пиёз етиштирган қишлоқдошимизнинг экинзорига келдик. Пиёз яхши етилганди. Мақсадимизни айтдик.

– Душанбедаги «Деҳқон» бозоридан арзон нархда сотсангиз, бир-икки қоп пиёз олган бўлардик, - деймиз ҳамқишлоқ деҳқонга очиқчасига.

- Майли, - дейди бизга хушмуомалалик билан ҳамқишлоғимиз. – Кеча Қурбоншаҳид қишлоғидаги «Жума бозор»да аралаш пиёзнинг кўтара нархи 3 сомоний 70 дирам эди. Сизга 3 сомонийдан бераман.

- Пиёзингиз жудаям аччиқми, дейман, - деди ҳазиллашиб шеригим. – Нархи бунча одамни чақади?

- «Кўтарса, зам қил, кўтармаса, кам қил», - деган гап бор халқимизда, - дейди деҳқон пиёз уюмига завқ билан тикилиб. – Бугун бозор шуни кўтарган экан, арзон қилишдан манфаатдор эмасман…

Дарҳақиқат, пиёзимиз ўта аччиқ, картошкамиз жудаям қиммат бўлаётганлиги қишлоқ хўжалиги соҳаси масъулларини ҳушёрликка даъват этармикан?!.

*Искандар МАҲМАДАЛИЕВ, «Халқ овози».*

# БОКСЧИЛАР – «ХАЛҚ ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ МЕҲМОНИ

**Ташриф**

Республикамизда қарийб 90 йилдан буён халқ минбари бўлиб келаётган отахон газеталаридан саналмиш «Халқ овози» редакциясига мамлакатимизнинг турли гўшаларидан ҳар куни турфа касб-ҳунар эгалари келишади. Булар орасида олиму профессордан тортиб, санъаткорлар, шоиру ёзувчилар, оддий халқ вакилларини учратиш мумкин. Кундалик қўнғироқлар сонини айтмаса ҳам бўлади. Буларнинг барчаси муштарийларнинг газетага бўлган эътибори, эҳтироми ва ишончининг нишонасидир.




Юртимиз минтақаларидан қадам ранжида қиладиганлар қаторида, узоқ-яқин хориж давлатларидан келган меҳмонлар ташрифи эса, журналистларга ўзгача илҳом бағишлайди.

Бу галги меҳмонларимиз, боксчилар бўлишди.

Тожикистон профессионал бокс федерацияси ташаббуси ила 2017 йил – Ёшлар йили муносабати билан ташкил этилган Тожикистон-Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари дўстлик учрашувида иштирок этиш ниятида юртимизга ташриф буюрган қўшни давлат боксчилари ҳам «Халқ овози» муҳарририятида меҳмон бўлишди.

Булар Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси аъзолари – бир неча халқаро мусобақалар ғолиблари Олим Назаров, Мақсуд Жумаев, Алишер Ҳабибуллаев ва Ҳумоюн Рустамовлар эди.

Меҳмонлар, дастлаб, газета Бош муҳаррири Ёқубжон Абдуманонзода ҳамда Бош муҳаррир ўринбосари Эркин Шукуров ҳузурида суҳбатда бўлишди. Суҳбат аввалида Бош муҳаррир боксчиларни Тожикистонга, қолаверса, «Халқ овози» газетаси редакциясига ташрифлари учун миннатдорчилик билдирди. Ўз навбатида, газета тарихи ҳақида ҳам қисқача тўхталиб, у 1929 йилнинг февралида «Қизил Тожикистон» номи билан ташкил этилгани, кейинчалик «Совет Тожикистони», ҳозирда «Халқ овози» номи билан нашр этилаётгани айтилди.

Икки дўст мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликларнинг янада ривожланиб бораётганлигига тўхталган ўзбекистонлик боксчилар бугунги тожик-ўзбек чарм қўлқоп усталарининг дўстлик учрашувини ана шу алоқаларнинг ёрқин мисоли эканлиги ҳамда улар ўртасидаги дўстликни бундан-да мустаҳкамлашига жиддий туртки бўлишини айтиб ўтишди.

Тожикистон пойтахти – Душанбе шаҳри таассуротлари ҳақида ўртоқлашган боксчилар, бу ерда олиб борилаётган ободончилик ва бунёдкорлик ишлари пойтахт сиймосини янада очганлиги ва уни дунёнинг гўзал шаҳарларидан бирига айланаётганини ўзгача ҳис-ҳаяжон билан гапириб беришди. Айниқса, Миллий музей, Миллий байроқ, Рўдакий номли боғ томошаси уларда яхши таассурот қолдирганини айтишди.



Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашида мамлакатимизда спортнинг барча турлари ривожланиб, спортчиларимиз минтақа ва дунё миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда юқори натижаларга эришаётганлиги ҳақида тўхталган газета Бош муҳаррири ўтган йили таниқли босқон ирғитувчи Дилшод Назаровнинг «Рио-2016» олипиада ўйинлари ғолибига айланиб, олтин медални қўлга киритганлигини мана шу эътибор самараси, дея таъкидлади.




Ўз навбатида, ўзбекистонлик боксчилар ҳам юртимизнинг таниқли спортчилари Дилшод Назаров, Расул Боқиев, Мавзуна Чориева, Комроншоҳи Устопириён ва бошқаларни яхши танишлари ҳамда улар, нафақат, Тожикистонда, балки бутун дунёда ўз Ватанлари байроғини юқори кўтариб, номини танитаётганларини айтишди. Умуман олганда, меҳмонлар юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътиборни юқори баҳолашди.

Самимий руҳда ўтган суҳбат сўнгида меҳмон боксчилар «Халқ овози» редакцияси қошида ташкил этилган музей билан яқиндан танишишди. Музейдаги «Редакция меҳмонлари» бурчагидан ўрин олган суратларни кўздан кечирар пайт боксчилар ўзгача бир ҳолатга тушишди. Чунки бу бурчакдан турли йилларда редакция меҳмони бўлган таниқли кишилар, жумладан, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Комилжон Баротов, Маъмуржон Узоқов, Халқ ёзувчи ва шоирлари Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Халқ артистлари Мукаррама Турғунбоева, Ғани Аъзамав, Ёқуб Аҳмедов, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Рихси Иброҳимова, Гулчеҳра Жамилова, Юлдуз Усмоноваларнинг суратлари ўрин олган.

Бундан ташқари, газетага ўтган асрнинг 1940 -1942 йилларида таниқли шарқшунос олим, Тожикистон Қаҳрамони, академик Бобожон Ғафуровнинг ҳам муҳаррирлик қилгани маълум қилинди.

Музейда сақланаётган Шароф Рашидовнинг «Совет Тожикистони» (ҳозирги «Халқ овози») газетаси собиқ Бош муҳаррири Мухтор Баҳриддинов номига ёзган мактуби ҳам меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Шундай қилиб, боксчиларнинг газетага ташрифи ўз ниҳоясига етди. Улар улкан таассуротлар билан қайтишди.

5 август куни эса, пойтахтимизда тожик ва ўзбек чарм қўлқоп усталари иштирокида катта бокс томошаси бўлиб ўтди. Ушбу дўстлик учрашувида ўзбекистонлик боксчилар Мақсуд Жумаев, Алишер Ҳабибуллаев, Ҳумоюн Рустамовлар билан беллашиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилиш мақсадида «Шер» лақабли Шерали Мамадалиев, Бахтиёр Мирзомуҳаммад ва Асрор Воҳидовлар рингга кўтарилишди.

Бахтиёр Мирзомуҳаммад ва Алишер Ҳабибуллаев учрашувида қўшни давлат вакили ғолиб бўлди.

Шерали Мамадалиев ва Мақсуд Жумаев ҳамда Асрор Воҳидов ва Ҳумоюн Рустамовлар ўртасида кечган жангларда юртдошларимиз қўли устун келди.

Шундай қилиб, мазкур бокс мусобақасида ҳамюртларимиз зафар қучишди.

*Зуҳриддин УМАРОВ, «Халқ овози».*

**Суратларни муаллиф ишлаган.**

**ХАЛҚ ОВОЗИ**

«Овози халқ» - бо забони ўзбекӣ. Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.

«Голос народа» - на узбекском языке. Издание Правительства Республики Таджикистан.

Учредитель: Правительство Республики Таджикистан

Регистрационный номер 13 р-106.

**Бош муҳаррир Ёқубжон АБДУМАНОНЗОДА**

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулгоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

**Таҳрир ҳайъати:**

*Раҳмон Озода ЭМОМАЛИ*
*Абдужаббор РАҲМОНЗОДА*
*Давлатшоҳ ГУЛМАҲМАДЗОДА*
*Абдураҳмон ҚОДИРИЙ*
*Шодихон ЖАМШЕД*
*Эркин Шукуров* - бош муҳаррир ўринбосари
*Искандар Маҳмадалиев* - масъул котиб
*Гулфинур Аюпова* - бўлим муҳаррири
*Абдулло Саидов* - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.

*Навбатчилар:*
*1. Э. Шукуров. (1-4 саҳ.)*
*2. А. Мирзааҳмедов. (5-8 саҳ.)*
*Чоп масъули: А. Саидов.*

Электрон почтамиз: Halkovozi1929@mail.ru

Сайтимиз: http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.

СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.

Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди: 16 август соат 16.30 Тиражи 5417 нусха.

Газетанинг сотув нархи - эркин.

Газета отпечатана офсетным способом в типографии ИПК «Шарки озод», пр. Саъди Шерози, 16. Индекс 68876.